

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК- ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

"МУҲАНДИСЛИК- ТЕХНИКА" ФАКУЛТЕТИ

**"Енгил саноат технологиялари ва жиҳозлари"
кафедраси**

*Мавзу: Махсус фанларни ўқитишда таълимнинг “кейс-стади” методини
қўллаш технологияси*

**BITIRUV
MALAKAVIY ISHI**

БАЖАРДИ:

**26-11 ЕСМТ гуруҳи талабаси
Нарзиев Қодиржон**

РАҲБАР :

асс. Вафаева З.С.

*Битирув малакавий иши кафедра мудири томонидан кўриб чиқилди ва
ҳимояга рухсат этилди.*

"ЕСТ ва Ж" кафедраси мудири:

доц. Нурбойев Р.Х.

"МТ" факултети декани:

доц. Ўринов Н.Ф.

Бухоро – 2015

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК- ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

"МУҲАНДИСЛИК- ТЕХНИКА" ФАКУЛТЕТИ

**"Енгил саноат технологиялари ва жиҳозлари"
кафедраси**

*Мавзу: Махсус фанларни ўқитишда таълимнинг “кейс-стади” методини
қўллаш технологияси*

**BITIRUV MALAKAVIY ISHIGA
TUSHUNTIRISH YOZUVI**

БАЖАРДИ:

**26-11 ЕСМТ гуруҳи талабаси
Нарзиев Қодиржон**

РАҲБАР :

асс. Вафаева З.С.

*Битирув малакавий иши кафедра мудири томонидан кўриб чиқилди ва
ҳимояга рухсат этилди.*

"ЕСТ ва Ж" кафедраси мудири:

доц. Нурбойев Р.Х.

"МТ" факултети декани:

доц. Ўринов Н.Ф.

Бухоро – 2015

Мундарижа

Кириш

1-боб. Махсус фанларни ўқитишда таълимнинг ноанъанавий усуллари қўллашнинг назарий асослари

1.1. Махсус фанларнинг бошқа фанлар билан алоқадорлигини ўрганиш

1.2. Махсус фанлардан назарий ва амалий машғулотларни ўқитишда

қўлланиладиган ноанъанавий методлар.....

2-боб. Махсус фанларни ўқитишда таълимнинг “кейс-стади” методини қўллаш технологияси

2.1. Таълим жараёнида “кейс-стади” методини қўллаш бўйича дарснинг технологик модели ва технологик харитасини ишлаб чиқиш

2.2. Махсус фанларни ўқитишда таълимнинг “кейс-стади” методини қўллаш технологияси

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар бевосита узлуксиз таълим тизими билан боғлиқ. «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилингандан буён янги турдаги – ўрта махсус, касб-хунар таълими шакллантирилди. Ҳозирги пайтда касб-хунар коллежларида юқори малакали ва маданиятли, мустақил

фикрлайдиган кичик мутахассислар тайёрлаш бўйича муҳим аҳамиятга эга молик ишлар олиб борилмоқда.

Замонавий таълим шароитида бўлажак кичик мутахассисларда касбий билим, кўникма ва малакалар шакллантириш билан бир қаторда уларда билимларни мустақил эгаллаш, келажакда муаммони мустақил равишда ҳал этишда ижодий ёндашиш қобилиятлари ҳам шаклланиши керак. Кичик мутахассисларда ушбу хусусиятларни шакллантиришда талабаларнинг мустақил ва ижодий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш ва ўқув билув фаолиятини фаоллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “Ўқитувчининг бош вазифаси талабаларда мустақил фикр юритиш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборат эканлигини кўпинча яхши тушунамиз, лекин, афсуски амалда-тажрибамизда унга риоя қилмаймиз”. Шунинг учун ҳам бугунги кунда касб-хунар коллежлари талабаларининг ўқув-билув фаолиятларини таъминловчи ва ривожлантирувчи фаол таълим методларини ўқув жараёнига жорий этиш асосий вазифалардан ҳисобланади. Талабаларни мустақил ва ижодий ёндошган ҳолда муаммоларни ечимини излаш, топиш ва мустақил қарор қабул қилиш, эркин фикрлаш қобилиятларини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган фаол таълим методларидан фойдаланиш муҳим ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда таълим-тарбия жараёнида талабаларнинг ўқув-билув ва мустақил ўрганиш фаолиятини фаоллаштиришга етарлича аҳамият берилмаганлиги, ўқитиш технологиялари ва баҳолаш тизими талабаларнинг мустақил ва эркин фикрлаш ҳамда ижодий қобилиятларини ривожлантиришни тўла таъминламаслиги, ноананавий усуллардан кенг фойдаланишга эътибор пастлиги шунингдек, ўқув материални фаоллаштириш муаммо бўлиб турибди.

Биз томондан ўтказилган изланишлар ва олинган дастлабки натижалар шуни кўрсатдики, касб-хунар коллежлари талабаларининг билим олиш ва ўрганиш фаолиятини фаоллаштириш орқали уларнинг таълим олиш имкониятлари, мустақил ишлаш қобилиятларини ҳамда амалий кўникмаларини ўрганиш даражаларини ривожлантиришга эришиш мумкинлиги аниқланди.

Ушбу битирув малакавий иши айнан касб-хунар коллежларида “Тикувчилик” махсус фанини ўқитишда таълим олувчиларни фаолиятларини фаоллаштиришга йўналтирилган фаол таълим методларини ўрганиш, уларнинг ўқув жараёнидаги ўрни ва ролини аниқлаш ва амалда қўллаш методикаларини ишлаб чиқиш ҳамда тадқиқ этиш масалаларига бағишланган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Назарий ғояларини ишлаб чиқишда педагог олимлар, жумладан, касб-хунар таълимида ўқитишнинг фаол методларини қўллаш бўйича З. Исмоилова, Л.В. Голиш, Д. Зохидова, Д. Файзуллаева, С. Ашурова, Ш.Истамова, С.Й. Махмудовларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

Тадқиқот ишларини ўрганиш таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, касб-хунар коллежларида махсус фанларни ўқитишда талабалар билим олиш ва ўрганиш фаолиятини фаоллаштириш ва фаол таълим методларни қўллаш методикаларини ишлаб чиқиш ва амалда татбиқ этиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг мақсади: Касб-хунар таълимида махсус фанларни ўқитишда ноананавий усуллардан фойдаланиб, “кейс-стади” методини қўллаб ўқитиш методикасини ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий ишининг объекти: Касб-хунар коллежлари “Тикувчилик ишлаб чиқариш” мутахассислиги бўйича “Тикувчилик буюмлари технологияси” махсус фанини ноананавий усуллар асосида ўқитиш жараёни.

Битирув малакавий ишининг предмети: Касб-хунар таълимида махсус фанларни ўқитишда , “кейс-стади” методидан фойдаланиб назарий ҳамда амалий жиҳатларини тадқиқ этиш.

Битирув малакавий ишининг вазифалари:

-
-
-
-
-
-
- махсус фанлардан назарий ва амалий машғулотларни ўтказишда , “кейс-стади” методини қўллаш технологияларини ишлаб чиқиш ва амалда татбиқ этиш.

Битирув малакавий ишининг илмий-амалий аҳамияти. Касб-хунар таълимида талабаларнинг билим олиш ва ўрганиш фаолиятини фаоллаштиришга доир илмий-услубий тавсиялар ишлаб чиқилди, “Таълимнинг фаол методлари” касб-хунар коллежларида “Тикувчилик буюмлари технологияси” фанидан назарий амалий машғулотларда , “кейс-стади” методларни қўллаб ўқитиш технологияси, ҳар бир машғулотнинг технологик хариталари ишлаб чиқилди ва таълим жараёнига татбиқ қилинди, шунингдек дидактик ва тарқатма материаллар, топшириқлар ва саволлар ҳамда тестлар ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этилди.

Ёшларни касб-хунарга тайёрлашнинг асосий шартларидан бири бу замонавий фан, техника ва технологияларга асосланган таълим жараёнини барпо қилишдан иборатдир.

1-боб. Махсус фанларни ўқитишда таълимнинг ноананавий усулларини қўллашнинг назарий асослари

1.1. Махсус фанларнинг бошқа фанлар билан алоқадорлигини ўрганиш

Мустақил Республикамиз келажаги, равнақи ёшларимизнинг юқори маънавиятли, ижодий фикрлаш қобилиятига ва мустақил ўрганиш кўникмаларига эга шахс сифатида шаклланиб боришига боғлиқ. Шу боис мамлакатимизнинг истиқлол йўлидаги биринчи қадамлариданок, давлатимиз халқимизнинг буюк маънавиятини тиклаш ва янада юксалтириш, миллий таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, уни замон талаблари билан уйғунлаштириш асосида жаҳон андозалари даражасига чиқариш мақсадига жуда катта аҳамият бериб келмоқда.

Юртбошимиз И.Каримов таъкидлаганларидек: «Демократик жамиятда болалар, умуман, ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади. Агар болалар эркин фикрлашни ўрганмаса, берилган таълим самараси паст бўлиши муқаррар. Албатта, билим керак. Аммо билим ўз йўлига. Мустақил фикрлаш ҳам катта бойликдир». Бугунги кунда ёшларимизда ижодий, эркин фикрлаш қобилиятини, мустақил ўрганиш эҳтиёжини ва кўникмаларини ривожлантириш энг долзарб вазифалардан биридир. Ўзбекстонлик ёшлар билан мулоқот тажрибасига эга хорижликлар билан суҳбатлашганда, бизнинг ёшлар хақида уларнинг фикр ва мулоҳазаларини билишга ҳаракат қилдик. Хорижликлар бизнинг ёшларнинг интилувчанлиги, меҳнаткашлиги, кенг соҳаларда кўп билимга эга эканликларини алоҳида таъкидлаб, уларда ижодий, эркин фикрлаш, билимларни амалиётда қўллай олиш, мустақил ўрганиш эҳтиёжларини ва кўникмаларини шакллантиришга Ҳозирги вақтда, Республикамизда фаолият юритаётган замонавий таълим муассасаларида таълимнинг энг муҳим қуйидаги уч туридан фойдаланилмоқда:

- **тушунтирувчи – намойиш этувчи таълим.** Бу анъанавий ёки ахборот берувчи таълим деб аталади;

- **муаммоли ўқитиш;**

- **дастурлаштирилган таълим ёки компьютерли ўқитиш.**

Бугунги кунда ўрта асрда кенг қўлланилган таълим турлари догматик ва схоластик ўқитиш элементлари ҳам сақланиб келинмоқда.

Тушунтирувчи – намойиш этувчи таълим тури. Унинг асосий методи кўргазмалилик асосида тушунтиришдан иборат бўлиб, унинг асосини тинглаш ва эслаб қолиш ташкил этади. Бу таълим тури вақтни тежаш, таълим берувчи ва таълим олувчиларнинг вақтни тежаш, қийин билимларни тушунишини осонлаштириш, таълим жараёнини оптимал бошқаришни таъминлайди. Бироқ бу таълим турида айрим камчиликлар мавжуд, яъни, “тайёр” билимларни бериш ва таълим олувчиларни билимларини ўзлаштиришида мустақил ҳамда маҳсулдор фикрлашдан озод этиш, ўқув жараёнини индивидуаллаштириш ва дифференцияллаштириш имконият-ларининг камлиги.

Муаммоли ўқитишда ўқув муаммоларини ҳал этиш жараёнида билимларни мустақил эгаллаш, таълим олувчиларнинг ижодий фикрлашлари ва идрок этиш фаолиятларини ривожлантириш йўли билан таълим ташкил этилади. Бундаги таълим технологияси турли туманлиги билан ажралиб турмайди, чунки таълим олувчиларни фаол иштирок этиш фаолиятига жалб этиш бир неча босқичлардан иборат бўлади. Улар кетма – кет тартибда ва комплекс амалга оширилиши керак. Бундай ўқитишда муаммоли вазиятни яратиш муҳим босқич ҳисобланади, чунки мазкур жараёнда фикрлаш жараёнида қийинчилик ҳис қилинади.

Кейинги йилларда **масофавий таълим** (лотинча “distantia” - масофа) узлуксиз таълим тизимида кенг қўлланилмоқда.

Масофавий таълим – бу масофадан туриб ўқитишнинг усулларига асосланган ҳолда аҳолининг кенг қатламларига тақдим этилувчи замонавий таълим технологиясидир. У ўқув адабиётларининг алмашилиш воситалари (Ер сунъий йўлдош, телевидение, радио, компьютер алоқа ва бошқалар)га таяниб, ихтисослаштирилган ахборот муҳити ёрдамида масофадан мамлакат аҳолисининг кенг қатламига ва хорижий давлатларга тақдим этиладиган таълим хизматлар мажмуидан иборат.

Масофавий таълим педагогик фаолиятнинг ижодий характерини оширади, яъни зарурий ахборотларни излай билиш, танланган ахборотлар билан ишлай билиш ва информатика воситалари ёрдамида одамлар билан мулоқотни самарали амалга ошира билиш йўналишларини замонавий таълим талабларига мос ҳолда таълимни янада **оптималлаштириб бораверади.**

Ҳозирги замон педагогикаси бўлажак мутахассисларни ижодий ва танқидий фикрлашга тайёрлайдиган “танқидий фикрлаш методикаси”га асосланади. Унинг негизида машғулотларда таълим олувчиларнинг ижодий ва танқидий фикрлашини ўстиришнинг универсал умумметодологик даражадаги фаоллаштириш – мазмунни англаш – муҳокама намунаси яратилган.

- I. Тадқиқотчилар машғулотда талабалар ижодий, танқидий фикрлашни ўстириш уч фазада амалга оширилишини таъкидлайдилар :
- II. Талабалардаги мавжуд билимларни фаоллаштириш.
- III. Янги ахборотлар мазмунини англаб олиш фазаси.
- IV. Ўқув материалларини муҳокама қилиш руҳий ҳолат ва жараёнларнинг ички боғланишларини англаб етиб ўзининг шахсий хислатларига ва сифатларига айланишидир Яна шуни таъкидлаш жоизки таълим олувчилардан мустақил фикрлай олиш қобилиятини шакллантириш орқали уларнинг ақлий лаёқати яъни ақлий фаолият кўрсатишни ривожлантиришга эришилади.

Ақлий лаёқат деганда, инсоннинг билимларини, яъни бирор бир ахборотлар мажмуини ўзлаштира олишдаги имкониятлари назарда тутилади. Таълим олувчининг билимларини ўзлаштиришини қуйидагилар белгилайди [92]:

- Хошиш – истак
- Зарурий хулқ – атвор
- Фикрлай олиш қобилияти

Шахсинг фикрлаши, яъни ақлий фаолият кўрсатиши, биринчидан, ташқи таъсир натижасида ўқитувчининг таълим жараёнида қўллайдиган шакл, метод ва воситалар орқали амалга оширилса, иккинчидан, шахсинг ўз интилиши, хошиш ва истаги ҳамда эҳтиёжини қондириш йўлидаги ҳатти-ҳаракатлари орқали юзага чиқади. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда таълим-тарбия ишида таълим олувчиларнинг билим олиш ва ўрганиш фаолиятини фаоллаштириш ўқитувчи ишининг махсулидир.

Ўқитувчи таълим жараёнида фақат билим бериш билан чегараланмасдан, балки бу жараёнда талабага таъсир кўрсатади, талабаларнинг фикрлаш фаолиятига ҳам раҳбарлик қилади, уларда мустақиллик, ижодкорлик қобилиятларини ўстиради ва шу тариқа ўрганилаётган нарсанинг онгли равишда ўзлаштириб олинишига эришилади, бу эса уларнинг билим олишларини янада фаоллаштиради, натижада ўқитувчи таълим жараёнининг фаол иштирокчисига айланади.

Касб-ҳунар коолежларида таълим олувчилар, махсус фанларнинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги бўйича назарий билимларни шакллантиришда: *Дидактика* – бу ўқитиш ва ўргатиш назарияси ҳақидаги фан бўлса, *методика* - педагогиканинг ўқитиш, қонуниятлари, қоидалари, ташкил этиш шакллари, амалга ошириш ва натижаларини назорат қилиб баҳолаш методи ҳамда воситаларини ўзида мужассамлаштирувчи фан тармоғидир. Ҳар бир ўқув фани ўқитиш соҳаси, вазифалари, мазмуни, методлари ва ташкилий кўриниши методика асосида курилади.


Касб-ҳунар таълимида ўқув жараёнини шахсга йўналтирилган ва табақалаштирилган шакллар ва методлар орқали режалаштириш ва ривожлантиришга йўналтирилган назарий асосни тайёрлайди. Махсус фанларни ўқитишнинг муваффақияти куйидаги омилларнинг ўзаро боғлиқлиги орқали аниқланади.

Дидактик боғлиқлик (учбурчак)



Фанлараро ўқитиш нима? Бу турли хил фанлар бўйича машғулотларда ўрганиладиган тушунчалар, қонунлар орасидаги алоқани ўрнатиб беришдир. Бироқ, билимларни тақсимлашнинг мавжуд фан тамойили асосида ўқитишда вужудга келган ўқув фанларининг чегараларини бузмасдан тизимли ёндашувни тўлиқ жорий қилиш имконини бермайди. Айниқса, ўқиб ўрганишнинг кўп жиҳатли объектларни ва замонавийликнинг комплекс муаммо-ларини ҳар томонлама очиб бериш имконини берувчи фанлараро алоқалар тизимини ўрнатиш муҳимдир.

Махсус фанлар бўйича ўқув мазмунини мувофиқлаштириш ва ихчамлаштиришни қуйидаги 1-схема орқали тасвирлаш мумкин.



1-схема

Фанлараро алоқаларни ўрнатиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- фанлараро алоқани ҳисобга олган ҳолда ўқув жараёнини режалаштириш;
- фанлараро алоқаларни жорий қилиш бўйича турдош фанлар ўқитувчиларининг ҳамкорликдаги ўқув –услубий ишларини амалга ошириш.
- Ўқув мазмунини мувофиқлаштириш ва ихчамлаштириш.

Махсус фанларнинг ўзаро боғлиқлигини 2-схема орқали тасвирлаш мумкин.

Фанлараро алоқадорлик асосида ўқув материални танлаш ва ишлаб чиқишни қуйидагича амалга ошириш тавсия этилади:

1. Мавзуга оид далиллар орқали ўқув материали аниқлаш-тирилади ва тартиблаштирилади.
2. Мавзу мазмунидан келиб чиқиб, кейинги ўрганиладиган мавзу олдиндан тартиблаштирилади.

Дастлаб мавзу соҳаси ишлаб чиқилади, сўнг мавзу танланади.

ишлаб чиқариш техникасига оид

махсус фанлар

ишлаб чиқар технологиясига

оид махсус фанлар



Технологияга оид

Фанлараро алоқадорликни таъминлаш, унинг натижалари ва баҳолашни таъминлаш тегишли махсус фан ўқитувчисининг зиммасида туради

2-схема

Шуни таъкидлаш жоизки махсус фаннинг таълим йўналишига тегишли бошқа махсус фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва ўқитиш кетма-кетлиги ўрнатилганда билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш сифати ошади.

1.2. Махсус фанлардан назарий ва амалий машғулотларни ўқитишда қўлланиладиган ноанъанавий методлар

Ўқитиш методлари таълим жараёнида ўқитувчи ва талабалар фаолиятининг йўналишини, ўқитиш жараёнининг қандай ташкил этилиши ва олиб борилиши ҳамда ўқитувчининг иш ҳаракатларини белгилайди. бу методлар ўқувчи томонидан

ўқувчилар билим, малака ва кўникмаларни ўзлаштириш учун қўлланиладиган усуллар йиғиндисини ўз ичига олади.

Таълим тизимида ўқитиш методлари билан бирга «усул» ва «восита» деган атамалар ишлатилади.

Усул - маълум ўқув материални ўтишда қўлланаётган асосий ўқитиш методи билан бирга иккинчи бир ўқитиш методининг айрим элементларидан фойдаланиб иш кўришдир.

Восита ўқитиш методларини амалга ошириш учун зарур бўлган ёрдамчи ўқув материаллари-асбоб, қурол, аппарат ва шу кабилардан фойдаланишдир.

Таълим методлари ўқитиш жараёнида ва педагогик тафаккурнинг кўп асрлик ривожланиши тарихида муҳим ўзгаришларга дуч келади. Педагогикада таълим методларини таснифлаш ва белгилашга бир хил ёндашиш мавжуд эмас. Айрим муаллифлар методларни белгилашда билиш манбаларининг хусусиятларини асосий деб ҳисоблайдилар.

Метод нима? Метод грекчада - изланиш йўли, ўрганиш, тушуниш демакдир.

Ўқитиш методлари – бу ўқитувчининг ишлаш услуби бўлиб, у бу услуб орқали ўқувчиларда билим ва кўникмаларни шакллантиришга қаратади.

Бабаский Ю.К.-таълим методи таълим-тарбия мақсадига эришишга қаратилган ўқитувчи билан талабалар фаолиятидир.


Метод-ўқитиш услуби, ўз ҳаракати дир.

Касб-ҳунар коллежларида махсус фанлардан назарий дарс ва амалий машғулотлар режасини асло ўқув режаси ёки ўқув материали билан аралаштириб юбормаслик лозим. Назарий дарс ва амалий машғулотлар режаси фақатгина "йўл кўрсатувчидир", у ўқитиш ёки ўрганиш материали сифатида тушунилмаслиги даркор. Дарс режаси дарс жараёнини фақатгина бошқариб боради ва ўқитиш ва ўрганиш материаллари ўрнини олмаслиги керак. Бундай режа ўқув мақсадларини,модул ёки мавзу,амалий усулларни ўқитиш ва ўрганиш материалларини, шунингдек, қатъий белгиланган вақт чегарасини ўзида мужассам этади.

Назарий дарс ва амалий машғулотларни утказиш давомида ўқитиш жараёнининг кўзда тутилган кетма-кетлигини сақлаб қолиш ва режалаштирилган ўқув мақсадларига эришишни таъминлаш лозим.

Олиб борилган дастлабки тажрибалар шунини кўрсатдики, амалий машғулотларни ўтказиш учун кенг қамровли тайёргарлик кўриш шарт эмас. Бундай режани тузишда амалиёт ўқитувчиси ўзи ўзлаштирган тажрибаларга асосланади.

Махсус фанлардан дарс жараёнида ишлатилиши мумкин бўлган ҳар қандай маълумотни ушбу режага киритиш тавсия этилади.



Аввало биз муҳим бандлари бир назар ташлаганда кўзга дарҳол ташланиши ва яхши ўқилиши учун катта шрифт билан ёзиладиган режани тавсия этамиз.

Биз ҳозир касб-ҳунар коллежларида ўқитиладиган “Тикувчилик корхоналари жихозлари” фани бўйича тасвирлайдиган қисмларга бўлиш намунаси (1- жадвал) мазмуний жиҳатлар асосида тузилсада, методик жиҳатлар билан ҳам тўлдирилиши мумкин.

Босқич	Вақт	Фаолиятлар ва мазмунлар тасвири	Ўқитиш ёки ўргатиш усуллари	Ўқув ва дидактик материаллар
«Пфафф»фирмасининг моки баҳяли тикув машинасига ипларни тақиш ва тикув жараёнини бажариш	2 с	Тикув машинасига устки ҳамда остки ипларни тақиш ва машинада тикув жараёнини бажариш	Муайян ҳолатни намоёиш қилиш ва ўрганишни машқ қилиш	Тикув машинасининг кинематик схемаси.Тикув машинаси,ип ва материал,асбоблар

Юқоридаги жадвалда келтирилган амалий машғулот режасининг тузилишини тасвирлаймиз.

1. Босқич.

Бу кўрсаткич машғулот пайтида йўналишни осон олиш учун зарур. Босқич бирор ўқув мақсади белгиланган мавзунинг боши ва якуни билан чегарадош қисмини ўзида мужассам қилиши лозим.

2. Вакт.

Бу ерда босқич давомийлигини баҳолаш ва уни режада белгилаш лозим.

3. Фаолият.

Бу ерда босқич билан боғлиқ фаолиятнинг тури белгиланиши лозим. Бунга қуйидагилар киради:

Назарий дарс учун	Амалий машғулот учун 4-поғонали усул асосида
1. Майл 2. Ахборот	1 Майл ва ахборот 2 Намойиш
3. Мавжуд билимларни бошқа вазиятларда қўллаш	3. Имитация (кўрсатилган тарзда такрорлаш)
4. Ўрганилган мавзуларни қайта ишлаш учун топшириқлар 5. Таҳлил қилиш ва синтез 6. Баҳолаш йўллари	4. Машқ қилиш

Амалий машғулотларни ўтказишнинг 4 поғонали усули асосан талабаларнинг амалий кўникмаларини ўзлаштиришга қаратилган, бўлиб, у 4 поғонали доирасида кечади. Бу поғоналарга "Тушунтириш", "Намойиш этиш", "Намойиш этилган тарзда такрорлаш" ва "Машқ қилиш" киради. Масалан, жадвалда келтирилган амалий машғулотни ўтказишда амалиёт ўқитувчиси тикув машинасига ип тақиш кетма-кетлигини тушунтириб беради ва машинага устки ва остки ипларни тақиб кўрсатади. Сўнгра талаба шу ишни кўрсатилган тарзда қайтариши керак. Талаба ишни бажараётганда ўқитувчи унинг хатоларини тўғрилаб туради (мақтайди ёки танқид қилади).

Талабалар фаолиятини ушбу соҳада кўрсатиб бориш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.

4. Тасвир.

Бу ерга катта ва кичкина мавзулар номи киритилади. Сўнгра муҳим асосий тушунчалар ва яхши ишлаб чиқилган саволлар киритилади. Тўғри жавоблар ҳам бу ерга қўшиб қўйилади ва алоҳида ёзилади.

5. Ўқув ва дидактик материаллар.

Бу кўрсаткичга дарсга мос келадиган ва ёрдам бериб, унга кўргазмалар тус берадиган ўқув ва дидактик материаллар киритилади. (3-жадвал)

Назарий дарслар	Амалий машғулотлар
Доска тасвирлари	Техник чизмалар, схемалар
Слайдлар	Назорат рўйхатлари ва фойдаланиш бўйича кўрсатмалар
Матнли ҳужжатлар (матнли китоблардан нусхалар)	Иш режалари
Жавоблар вароғи киритилган ёзма матнлар ёки топшириқлар	Баҳолаш вароқлари
Моделлар, макетлар	Асбоблар, ёрдамчи воситалар, маҳсулотлар

Бир пайтнинг ўзида ўқув ва дидактик материалларни ишлатиб, бирор мавзунини ёритиш учун қуйидаги муайян усуллар қўлланилади:

- маъруза, ўқув суҳбати, мунозара
- тақдимот, намойиш, ўйин-машғулот, муайян ҳолатни ўрганиш
- индивидуал ва гуруҳ машқлари

Ва ниҳоят режанинг амалга оширилган босқичлари асосида бошқа зарур ҳужжатларни ҳам киритиш мумкин:

1. Титул қоғози: - махсус ўқув китобнинг номи
 - семестр
 - ўқув гуруҳларининг номи
 - таълим олиш муддати
2. Талабалар таҳлили.
3. Дарсни утказиш учун дастлабки шарт-шароитлар таҳлили.
4. Махсус соҳа таҳлили (махсус соҳа бўйича график тасвир).
5. Ўрганиш мақсадлари жадвали.

Режани қайта текшириш учун кўрсатмалар.

Бир марта тузилган режа қуйидагича қайта текширилиши лозим:

1. Ўқув мақсадларини ўйлаб кўриш. Ушбу дарснинг ўқув мақсади керакли махсус соҳага мос келиши текширилади, яъни талабалар қандай амалий кўникмага эга бўлдилар ёки қандай кўникма ва тушунчаларга эга бўлишлари керак. Дарснинг якуний натижаси қандай бўлиши кераклиги ўрганилади.

2. Гуруҳлар ҳолатини ўйлаб кўриш.

Талабалар махсус соҳа тўғрисида нимани билишлари, уларнинг махсус соҳа бўйича қандай тушунчаларга эга эканликлари, гуруҳнинг дарсни ўзлаштириши борасида эътиборга олиниши лозим бўлган қийинчиликлар, гуруҳни кичикроқ гуруҳларга бўлиниши керакми ёки йўқми каби масалаларни ўрганиш керак.

3. Белгиланган вақт тўғрисида ўйлаб кўриш.

Дарс учун қанча вақт ажратиш кераклиги (бошқа бунга тегишли фаолиятларни ҳам инобатга олган ҳолда) куннинг қайси вақтида дарс ўтказилиши лозимлиги, қайдлар ёки вазифаларни тайёрлаш учун қанча вақт зарурлиги ўрганилади.

4. Жихозлар тўғрисида ўйлаб кўриш.

Зарурий асбоб ва мосламалар мавжудлиги ва улар яроқлилиги, синф хонаси барча талабларга жавоб бериши, ташқаридан бошқа ресурслар - бирор шахс, видеофильм ёки бошқа ёрдамлар керакми ёки йўқми каби муаммолар ўрганилади.

5. Махсус соҳа бўлимларини ўйлаб кўриш.

Махсус соҳа таҳлили мақсадга эришишда зарур бўлган барча мазмунларни қамраб олиш учун етарлими? Дарсни қисмларга бўлиш зарурми?

Баъзан дарсни қисмларга бўлиш талаб этилади. Шунда қуйидаги тузилма восита сифатида хизмат қилиши мумкин:

Поғона 1	Поғона 2	Поғона 3	Поғона 4
...билиши шарт...	...ўзлаштириши	...билишга ёрдам	...билиш учун
...қила олиши	мумкин...	беради...	қизиқарли...
шарт...	...қила олиши	...қила олишга	...қила олиш учун
	мумкин...	ёрддам беради...	қизиқарли...

Дарс ичидаги танлаш ёки мазмунлар 1-чи поғонада туриши лозим. Уларни биз ўқув мақсадларига эришишдаги минимумлар деб атаймиз.

Агар тасарруфдаги вақт қутилганидан кўп бўлса, у ҳолда 3-ва 4-поғоналардаги мазмунларни қўшиб қўйиш мумкин. Амалиёт ўқитувчисининг кўплаб бошқа соҳалардаги билимларга эга бўлиши унинг мазкур ҳолатни осон бошқариб боришига ёрддам беради.

Бу ерда асосий мақсад "ўзлаштирилиши шарт бўлган билимлар"ни ва "ўзлаштирилиши мумкин бўлган билимлар"ни беришдан иборатдир. Бу орқали барча муҳим мазмунлар, далиллар, тушунчалар, тамойиллар ва усуллар дарс режасида қанчалик даражада сақланиб қолган - қолмаганлиги назорат қилинади.

Бундан келиб чиқиб, таркибий қисмга тегишли мақсадларга мурожаат қилиш ва уларга эришиш жараёнини топшириқлар ва тестлар орқали назорат қилиш тавсия этилади.

Бунга кўра бирор дарс охирида топшириқлар ёзма кўрсатилган назорат иши олиш ва унинг натижаларини баҳо варақасига қайд қилиб бориш керак бўлади. Ўқув мақсадларига эришилмаганлиги аниқланса, у ҳолда амалиёт ўқитувчиси бошқа чораларни кўриши, масалан: такрорлаш дарсини режалаштириш лозим, шу билан бирга дарс режасига тафаккур қилиш учун ёрдам сифатида киритиладиган қизиқтириш ва ўрганиш усуллари ривожлантириш мумкин.

6. Ўқув ва дидактик воситаларни режалаштирилган усуллар ҳамоханглигида назорат қилиш.

Режалаштирилган усулларга мос равишда ўқув ва дидактик воситаларнинг мавжудлиги, топшириқлар, шунингдек, намойишлар ва машқлар назорат қилиниши керак. Улар етарли бўлмаса, у ҳолда уларни янада ривожлантириш ва ишлаб чиқиш лозим.

Ва ниҳоят:

Махсус фан ўқитувчиларига назарий дарс ва амалий машғулотлар режаларини махсус жилдда сақлаш ва уларни доимий тарзда тўлдириб бориш тавсия этилади.

Ўтказилган дарс ёки амалий машғулотлардан сўнг шахсий натижаларни таҳлил қилиб кўриш тавсия этилади. Буни биз дарс жараёнларининг сифатини таҳлил қилиш, амалга оширилган режанинг аҳамияти ва бошқа амалиёт ўқитувчиси томонидан ўз ҳамкасбларининг баҳоланиши, деб тушунамиз. Бу амалиёт ўқитувчисига ўз натижаларини доимий равишда яхшилаб боришда кўмак беради. Ушбу тавсияларни ва коидаларни «Тикувчилик» фанини ўқитишда қўлланилганда яхши самара беради.

Назарий дарс қуйидаги кетма-кетликда ўтказиш тавсия этилади.

1. Қизитиш ва қизиқтириш(мотивация)
2. Маълумот бериш
3. Билим бериш
4. Ўрганилган билимларни қайта ишлаш бўйича топшириқлар бериш
5. Таҳлил ва синтезлар
6. Баҳолаш

Ушбу кетма-кетлик учун вақт одатда 45 ёки 80 дақиқани, ташкил этади. Дарс бошланишидан аввал дарсга тайёргарлик босқичининг натижаларини қисқача текшириб кўриш мақсадга мувофиқ бўлади (4-жадвал).

Дастлабки тайёргарлик	Таҳлиллар натижалари
Белгиланган вақт:	Мазмунларни талабаларга етказиш учун вақт етарлими?
Хоналарга тааллуқли шароитлар:	Синф хонаси бўшми?

	Стол ва стуллар етарлими?
Воситалар:	Доска, флипчарт ва кодоскоплар (проектор) ишлайдими? Бўр мавжудми?
Хужжатлар:	Дарс режаси борми? Етарли тарқатма материаллар ва топшириқ вароқлари мавжудми?

Қизитиш ва қизиқтириш (мотивация)

Дарс талабалар билан қизиқарли, ҳаттоки, дарсга тааллуқли бўлмаган мавзулар тўғрисидаги суҳбат билан бошланади.

Иложи бўлса дарсга боғлиқ бўлган мавзулар юзасидан суҳбатни бошлаш керак. Масалан қизиқарли кашфиёт, янгилик ёки ҳикоят танланиши мумкин. Буларнинг барчаси биринчи дарс мобайнида талабаларнинг кайфиятига, шу соҳага қизиқишига ёки кейинги дарсларда талабалар ўрганадиган фанига эътиборини қаратишга ёрдам беради.

Агар дарс биринчи бор янги талаба гуруҳида ўтилаётган бўлса, ўқитувчи қисқача ўзини таништириб ўтиб, талабаларга ҳам ўзларини таништириш имкониятини бериш керак. Бу талабаларда ишонч туғдиради, талабалар ўзларига билдирилаётган ҳурматни ҳис қиладилар. Таърифланган ва танланган ўқитиш фанларни ва модуллари асосида назарий фан мақсадини баён этиш орқали мотивация ва муайян мавзуга кириш амалга оширилади. Интринзли(ички) ва экстринзли (ташқи) мотивация учун сабаб ва аргументлар топишга ҳаракат қилиш лозим. Мотивация қилиш билан ўқиш ва ўрганишга бўлган тайёрлик учун шарт-шароит яратилади.

Маълумот ва билим бериш.

Сўнгра ўқитувчи талабаларга касбий соҳа бўйича янги материални тушунтиради, қисқа маърузалар ўқийди, мунозаралар уюштиради, ўқув суҳбатлари, ўйин-машғулоти ва муаммоларни ҳал қилиш ҳақида суҳбатлар ўтказди. Кейинги дарсларда янги мавзунини бошлашдан аввал ўтилган мавзулар қисқача, умумлаштирилган ҳолда қайтарилиши керак.

Талабаларга мавзуларга мос тарқатма материаллар тарқатилиши лозим. Бу ўқув жараёнини енгиллаштиради. Мавзуга кирилмай туриб, тарқатма материаллар тарқатилмайди. Уларни мавзуга монанд равишда бирин-кетин тарқатиш, уларни қўйиб чиқиш учун етарли дақиқалар бериш ва талабалар эътиборини ахборотга қаратиш учун овоз чиқариб ўқитиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзлаштирилган билимларни қайта ишлаш учун

топшириқлар бериш.

Талабаларга тафаккур қилиш ва қайта ишлаш имкониятини яратувчи топшириқлар ўзлаштирилган билимларни фаол равишда қайта ишлаб бориш учун зарурдир. Улар билимларни қабул қилишнинг нисбий пассив фазасидан сўнг актив фаза келиши учун имконият яратиб беради. Гуруҳларда ишлаш ёки мустақил равишда топшириқларни ечиш ва натижаларни тақдим этиш самарали ўқитиш усуллари ҳисобланади.

Таҳлил ва синтезлар

Мавзу таҳлили орқали мавжуд вазият элементлари алоҳида кўриб чиқилиши мумкин. Шу ўринда алоҳида хусусиятлар муҳокама этилиши мумкин.

Мазкур хусусиятларни бир бутун қилиб синтезлаш тўғри тасаввур ҳосил қилиш ва алоқадорликни аниқлаш имконини беради. Бу ерда гап билимнинг алоқадорлик даражаларини аниқлаш тўғрисида боради. Амалиётга яқинлашиш ва ўзлаштирилган билимларни келажакда ишлатиш учун синтез орқали бошқа илм-фан соҳалари билан боғлаш амалга оширилади.

Баҳолаш.

Ҳар бир топшириқ ёки машқдан кейин талабалар ўзлари бажарган ишларини баҳолашлари лозим. Бошқа бир имконият эса натижаларни гуруҳларда очиқ-ойдин ва самимий муҳокама қилишдан иборатдир. Ўқув фани якунида якуний суҳбат учун вақт ажратилиши керак. Бу эса ўз навбатида талабаларнинг натижалари, уларнинг амалга ошган ва ошмаган ишлари, шунингдек, ўқитувчиларнинг ўз натижалари юзасидан мулоҳаза юритишлари учун яхши имкониятдир.

Таълимнинг ноанъанавий методлар

Ҳозирги педагогик амалиётда таълим методларнинг 200 дан ортиқ турлари мавжудлиги эътироф этилади. Ушбу таълим методларини таълим жараёнига татбиқ этиш турли ёндашувлар ва методикалар мавжуд. Аммо бугунги замонавий таълим шароитида талабаларни таълим жараёнидаги фаоллигини оширишга қаратилган фаол методларни қўллашни талаб этади. Шунинг эътиборга олиш керакки, фаол метод танлаш нафақат таълим мақсадига, балки ўқув материали мазмунига ҳам боғлиқ бўлади.

Касб-ҳунар коллежларида махсус фанлардан таълим олувчиларнинг ўқув-билиш ва амалий фаолиятларини фаоллаштиришда кўмак берувчи таълим методларини танлаш муҳим аҳамият касб этади. Фаол таълим методларни мақсадли танлаш белгиланган ўқув мақсадга эришишни кафолатлайди.

Ҳар қандай таълимнинг мақсади эса таълим олувчиларда билим, кўникмалари ва малакаларини шакллантиришдан иборатдир. Ўқув фаолиятида таълим мақсаднинг барча жиҳатлари амалга ошар экан, турли таълим методларни

биргаликда қўллаш зарур. Шунинг учун, таълим методини танлашда энг асосий омил бўлиб аниқ ўқув машғулотининг дидактик вазифаси хизмат қилади.

Фаол методини танлашда унинг самарадорлик даражасини эътиборга олиш ҳам аҳамиятга эга. Ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, ўқув материали оғзаки баён этилганда талабалар маълумотнинг 5-10 % ни эслаб қоладилар. Ўқув адабиётларидан мустақил ўқиш орқали маълумотнинг 10-15 % ни, кўргазмали материаллар эса маълумотларнинг 20-25 % ни ўзлаштиришга имкон беради.

Амалий методлар энг самарали ҳисобланиб, талабалар онгида маълумотнинг 75 % и сақланиб қолади. Лекин, ўқув-материалларини талабалар томонидан мустақил ўрганиш, амалий машғулотларини мустақил бажариш методлари ундан ҳам самаралироқ ҳисобланади, бунда 90 % билим ўзлаштирилади ва кўникма шаклланади. Бу фақат фаол методларидан самарали фойдаланилгандагина талабаларни фаоллаштириб яъни ҳаракатга йўналтирилган ўқитишни амалга ошириш орқали таъминланади.

Демак, талабаларни мустақил ўрганиш, изланиш, муаммоларни мустақил ечиш, амалий таъсирларига йўналтирилган фаол методларни қўллаш яхши самара беради. Фаол методларни танлашда ўқитиш жараёнида гуруҳидаги талабалар сони муҳим аҳамиятга эга. Агар гуруҳда талабалар кўпчилик бўлмаса, энг фаол методдан фойдаланиб, ўқитишни жадаллаштириш мумкин. Агар талабалар кўп бўлса, фаол методлардан фойдаланиш унга яхши натижа бермаслиги мумкин. Талабаларнинг ҳар бири билан ишлаш учун вақт етишмайди.

Фаол таълим методларини танлашда таълим олувчиларнинг ўқув-билиш имкониятларини, яъни уларнинг ёши, тайёргарлик даражаси, ҳамда, жамоадаги ўзаро муносабатларнинг ўзига хослигини ҳам инобатга олиш муҳим. Ўқув машғулотига тайёргарлик вақтида, таълим методини танлаётиб, биз, албатта, талабаларнинг мустақил ва ижодий ишлаш қобилиятини ҳисобга олишимиз лозим.

- фаоллаштириш шакллари: диалогик маъруза, семинар, лаборатория-амалий машғулотлари, ишчанлик ўйинлари, кўчма машғулотлар, суҳбат, маслаҳат, илмий-амалий конференциялар, учрашувлар, ёзма ишлар;

- фаоллаштириш методлари: аклий-ҳужум,суҳбат, машқ, ролли ўйин, адабиётлар билан мустақил ишлаш, ижодий мунозаралар, муаммоли, дастурли таълим элементларидан фойдаланиш, тажриба алмашиш ва шу кабилар.

Ноананавий дарсларни ташкил этишда таълимнинг янги педагогик технологиялари ,фаол таълим методлардан фойдаланиб дарслар ташкил этилса,дарс самарадорлиги ошади.

1. Аклий ҳужум. Бу топшириқнинг мақсади иложи борида кўпроқ ижодий фикрларни юзага келтиришдир. Исталган фикрлар қабул қилинади. Йиғилган фикрлардан қай бирини келгусида ишлатишни бутун гуруҳ ҳал қилади.

Ўқув машғулотни “Ақлий ҳужум” методини қўллаб ўтишнинг ишлаб чиқиш қоидалари.

- Ўзаро баҳолаш ва танқидга ўрин йўқ.
- Таклиф этувчи ғоялар фантастик ва ғаройиб бўлса, ҳам уларни баҳолашдан сақланг ҳамманинг фикр билдиришига рухсат этилади.
- Танқид қилманг барча билдирилувчи фикрлар тенг қимматли.
- Сўзга чиққан кишининг гапини бўлманг!
- Ўйтирозлардан сақланг!
- Қанча кўп фикр айтилса, шунча яхши янги ва қимматли фикр пайдо бўлиши эҳтимоли кўпроқ.
- Фикрлар такрорланса хафа бўлманг ва уялтирманг!
- Тасаввур қилишга рухсат беринг!
- Бу муаммо фақат маълум методлар билан ҳал этиши мумкин деб ўйламанг.

2.Муаммоли вазифалар методи

Муаммоли вазифалар методи – таълим олувчиларга муаммоли вазиятларни ва уларнинг фаол билиш фаолиятини ташкил этишга асосланган методдир. У, аниқ вазиятларни таҳлил қилиш, баҳолаш ва кейинчалик қарор қабул қилишдан иборат. Бу методнинг етакчи функцияларига қуйидагилар киради:

- ўргатувчи: билимларни долзарблаштиришга асосланган;
- ривожлантирувчи таълим олувчиларда таҳлилий тафаккурни, алоҳида далиллар орқасидаги ҳодиса ва қонунийликни кўра билишни шакллантириш;
- тарбияловчи: коммуникатив кўникмаларни шакллантириш.

Муаммоли вазифалар методи таълим олувчиларнинг мустақил ишларини мураккаблаштиришга, асосланган: илмий тушунчаларни, амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш асосида ётган у ёки бошқа материални чуқур мантикий таҳлил қилишга асосланган.

Муаммоли вазифа ҳаётдан олинган далилларни, маъруза ва вазиятни ўрганишдан, алоҳида инсонлар ёки ишлаб чиқариш корхоналарининг манфаатларини кўзлашдан иборат бўлиши мумкин.

Ўтказилган изланишлар шуни кўрсатдики, ўқувчиларда эркин ва мустақил фикрлаш, турли муаммоли вазиятларда мустақил қарор қабул қилиш қобилиятларини ривожлантиришга ҳамда таълим жараёнида уларнинг фаол иштирокини таъминлайдиган фаол таълим методларидан кенг фойдаланиш ўқув натижаларига самарали эришишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Фаол таълим методлари ўқув жараёнида ўқувчига эркин ва мустақил фикрлашга имкон яратиб, машғулотларда ижодий муҳитни юзага келтиради, ўқувчилар

фаоллигини оширади, ўқитувчи эса тайёр билимларни етказувчи эмас, балки билимларни мустақил равишда ўзлаштирилишига ўқувчи учун шароит яратиб берувчи ва маслаҳатига айланади.

3. Оғзаки машқлар таълим олувчиларнинг нутқ маданияти ва мантикий тафаккурини тараққий эттириш, ижодий қобилиятларини ривожлантириш уларнинг билиш имкониятлари билан боғлиқ.

4. Ёзма машқларнинг асосий вазифаси – керакли кўникма ва малакаларни шакллантириш, чуқурлаштириш ва мустақамлашдан иборат.

5. График машқлар ишлаб чиқариш жараёнлари босқичларини ўрганиш жараёнида ишлатилади.

6. Лаборатория-амалий машқлар меҳнат асбоблари, лаборатория ускуналари (жиҳозлар, ўлчов аппаратлари) фойдаланиш малакаларини эгаллашга имкон беради, конструкторлик-техник маҳоратни ривожлантиради.

7. Ишлаб чиқариш - меҳнат машқлари ўқув ва ишлаб чиқариш характеридаги алоҳида ишлаб чиқилган тармоқни ташкил этади. Улар оддий ва мураккаб бўлади: биринчиси – алоҳида меҳнат методларини бажариш машқлари, иккинчиси – ишлаб чиқариш – меҳнат ишларини бутунлигича ёки уларнинг талай қисмини (станокларни созлаш, детал қисмларини тайёрлаш ва ҳ.к.) кўзда тутилган.

2-БОБ. МАХСУС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА ТАЪЛИМНИНГ “КЕЙС-СТАДИ” МЕТОДИНИ ҚўЛЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

2.1. Таълим жараёнида “кейс-стади” методини қўллаш бўйича дарснинг технологик модели ва технологик харитасини ишлаб чиқиш

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да баркамол авлод тарбияси вазифаларини амалга ошириш жараёнида тайёрланаётган кадрларнинг мустақил ва ижодий фикрлаш, мустақил қарор қабул қилиш қобилиятини ривожлантириш таълим тизимининг энг муҳим вазифаларидан бири сифатида эътироф этилган. Чунки техника ва технологияларнинг кун сайин ўзгаришида ва бозор иқтисодиёти шароитида фақатгина мустақил фикрлаш қобилиятига эга бўлган шахс келажакда муаммоларни ўзи мустақил ҳал қила олади.

Фаоллаштирилган таълимда – таълим жараёнида тарбия берувчи ва таълим олувчиларнинг онгли ва фаол иштироки, мустақиллиги ҳамда ижодий қобилиятларини таъминловчи илмий-педагогик жараён юзага келади. Фаоллаштирилган таълим шароитида ўзлаштирилган билим ва иш ҳаракат методларини мазмунан мукаммал тизимли, мантиқан тугал ва турли ишлаб чиқариш вазиятларида қўлланишга яроқли бўлади. Бунда асосан қуйидаги таълим

методлари фойдаланилади: баҳс-мунозара; фикрлашга жалб қилиш; доскада мустаҳкамлаш; ишбилармонлик ўйини; ролли ўйин; ақлий ҳужум ўйини; китоб (манбалар) билан ишлаш ўйини; танқидий фикр ўйини; мулоқот-назорат дарси; касбий компьютерли ўйинлар [88] .

Биз томондан ўтказилган изланишлар ва олинган дастлабки тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, касб –ҳунар коллежларида таълим жараёнига фаол методларни қўллаш орқали талабаларининг билим имкониятлари, мустақил ишлаш қобилиятларини, ижодкорлигини ҳамда амалий кўникмаларини ўрганиш даражаларини ривожлантиришга эришиш мумкин.

Касб-ҳунар коллежларида махсус фанларни ўқитишда таълим жараёнида талабалар фаолиятини фаоллаштириш қуйидагиларга имкон беради:

- талабанинг таълим олишга қизиқиши ошади;
- талаба ва ўқитувчи орасида онгли ҳамда ҳамкорлик муносабатларни ўрнатади;
- талабаларнинг ўқув адабиётлари ва бошқа манбалари билан мустақил ишлаш, яъни ахборотларни мустақил излаш, топиш ва таҳлил қилишга;
- талабаларнинг мустақил тарзда муаммоларни ечиш, қарор қабул қилиш ҳамда ўз-ўзини баҳолаш имконияти яратилади.

Касб-ҳунар коллежларида махсус фанларни ўқитишни фаоллаштиришнинг биринчи босқичида талабаларнинг дастлабки билим даражаси, мустақил ишлаш қобилияти ҳамда эгалланган назарий билимларни амалиётда қўллай олиш кўникмаси таҳлил қилиш лозим. Махсус фанларни ўқитишда фаол таълим методларини қўллаш орқали талабани “таълим объекти”дан “таълим субъекти” даражасига ўтишга имкон яратилади, машғулотларда ижодий муҳитни юзага келтиради.

Биз томондан касб-ҳунар коллежларида “Тикув буюмлари технологияси” махсус фанини ўқитиш бўйича амалий тажрибаларга асосланиб, “кейс-стади” методидан фойдаланиб фаоллаштирилган ўқитиш жараёни методикаси ишлаб чиқилди. Ушбу методикага мувофиқ ноананавий усуллар асосида ўқитиш жараёни қуйидаги босқичларда амалга оширилади.

1. Фанга оид меъёрий ҳужжатлар ва манбаларни ўрганиш.

Махсус фанларни ўқитиш жараёнини тўғри ташкил этишда шунингдек таълим методлари, шакллари ва воситаларини танлашда дастлаб қуйидаги меъёрий ҳужжатларни таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга:

Ўқитувчи авваломбор Давлат таълим стандартлари талаблари ҳамда тармоқ таълим стандартида белгиланган муайян фаннинг мазмуни, қўйилган талаблар ва қоидаларни ўрганиш керак.

Давлат таълим стандарти кичик мутахассис тайёрлашнинг зарур ва етарли мазмуни ва пировард мақсадларини аниқлайди, таълим олувчиларнинг ўқув юкламалари ҳажми ва стандарт сифатлари назоратини белгилаб беради [33].

Касб-ҳунар таълими тармоқ стандарти – йўналишлар бўйича кичик мутахассисларни тайёрлашнинг зарур ва етарли мазмуни ҳамда пировард мақсадларини аниқлайди, таълим олувчиларнинг ўқув юкламалари ҳажми ва стандарт сифатлари назоратини белгилаб беради [69].

Таълим-тарбия жараёнини ташкил этишни режалаштирувчи, асосий ҳужжат ўқув режалари ҳисобланади.

Ўқув режаси – ўқув шакллари, ўқув предметларининг рўйхати ва ҳажмини, уларнинг ўқув ҳафталари, ярим йилликлари бўйича тақсимланишини белгилайдиган, бўлажак мутахассисларни ўқув предметлари, касбий ва умумтаълим тайёргарлиги орасида ўзаро боғлиқликни таъминловчи меъёрий ҳужжат [88].

Ўқитувчи ўқув режасини таҳлил қилишда бўлғуси кичик мутахассисларда шакллантирилаётган малака маҳоратлари даражасининг ўрганилаётган махсус фан миқдорига ва ўрганиш даврига аниқ мос тушишига эътиборни қаратиш лозим. Шунингдек, ҳар бир махсус фанни босқичма-босқич ўрганишлари чуқурлиги, қулай ва муҳимлигини ҳам назарда тутиши керак бўлади.

Ўқув режасидаги бошқа фанларнинг муайян фан билан ўқитиш кетма-кетлиги ва даврини ўрганиши лозим. Сўнгра фаннинг ўқув дастури таркиби ва мазмунини ўрганиб чиқиши керак.

Намунавий ўқув дастурининг таркиби қуйидагилардан иборат [3]:

- кириш;
- асосий қисм;
- амалий, семинар, лаборатория ва мустақил ишларни ташкил этиш бўйича кўрсатмалар;
- курс ишлари (лойиҳалар);
- фан мавзулари бўйича ўқитиш режаси (мавзулар кетма-кетлиги ва билим олиш дастури)нинг таркиби;
- амалий машғулотларни ўтказиш учун керакли жиҳозлар;
- ўқитишнинг тендик воситалари;
- тавсия этилаётган асосий ва қўшимча адабиётлар.

Агар ўқитувчи биринчи маротаба махсус фан бўйича, дарс ўтказишга тайёрланаётган бўлса, у ҳолда у фанга тегишли соҳа бўйича тасаввурга эга бўлиши лозим. Соҳа мазмунини турли манбалардан, соҳага оид ўқув адабиётларидан, илмий-техникавий адабиётлардан (илмий техникавий журналлар, махсус мақолалар, патентлар ва ҳоказолардан), жиҳоз ва ускуналардан фойдаланиш бўйича кўрсатмалардан олиш мумкин.

Фан бўйича мавжуд ўқув адабиётлар таҳлилини ўтказиш орқали янги манбалардан тегишли маълумотларни танлаб олиниб, қўшимча адабиётлар рўйхати тузилади. Демак, ўқув дастуридаги мавзулар бўйича ўқитувчи соҳадаги янгиликлар ва илм-фан сўнгги ютуқларини ўқув материали мазмунига киритиш лозим.

2. Фаннинг вазифалари ва ўрганадиган муаммолари.

Ўқитувчи ушбу босқичда фаннинг вазифаларини ҳамда ўрганадиган муаммоларини чуқур ўрганиши ва таҳлил қилиниши керак. Махсус фаннинг жамият ва бўлажак кичик мутахассиснинг касбий фаолиятидаги ўрни ва аҳамиятини очиб бериш керак. Махсус фанга тегишли ишлаб чиқариш соҳасининг ривожланиши ва келгусидаги тараққиёти ўрганилиши лозим. Шунингдек, фаннинг бошқа фанлар билан ўзаро алоқадорлиги ва узвийлиги ҳақида маълумотга эга бўлиши керак. Чунки ҳозирги пайтда фанлар узвийлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

3. Ўқитиш шароитлари таҳлили.

Шароитлар таълим вазифаларига ва ўқув жараёнининг натижаларига эришишда таъсир кўрсатади. Махсус фанлардан назарий ва амалий машғулотларга тайёргарликни асосан талабалар таҳлилидан бошлаш керак.

Талабалар таҳлилида ўқитувчи ҳар бир талабанинг психологик имкониятлари, билимларни ўзлаштириш ва ўрганиш даражаси ҳамда мустақил ишлаш қобилиятлари тўғрисида маълумотга эга бўлиши керак.

Ташкилий шароитларга қўйиладиган зарурий талабларга, ўқитиш жойини танлаш, машғулотларни ўтказиш вақти ва давом этиши, кўргазмали намоишларга тайёргарлик кўриш киради.

Техник шароитларда фанга тегишли соҳа бўйича жиҳозлар ва ускуналар, аудиовизуал воситалар, ўқитиш ва ўрганиш воситаларининг яроқлилиги таҳлил қилинади. Амалий машғулотларни ўтказиш учун техник мосламаларни исталган пайтда ишлатиш учун шароит яратилиши керак.

Ўқитувчи махсус фан бўйича янги ўқув адабиётлари ва манбаларга эга бўлиши керак.

Бунинг учун қуйидагиларга эътибор қаратиш тавсия этилади:

- иложи борича фанига тегишли бўлган ўқув адабиётлари, нашрлар, журналларнинг муҳим бетларидан нусха олиш;
- фанни ўқитиш бўйича илғор педагогик тажрибаларини ўрганиш;
- электрон таълим ресурслари билан таъминлаш имкониятларини ўрганиши;
- муайян мавзуга тегишли қўшимча ўқув материаллари ва дидактик материалларни тайёрлаш;
- интернет тизимидан фанга тегишли янгиликлар сўнгги ютуқларни тўплаб бориш.

4. Ўқув мазмунлари ва мақсадларини белгилаш.

Таълим муассасаларида ўқитиш мазмунини аниқлашда Давлат таълим стандартлари, фанларнинг ўзаро алоқадорлиги, талабанинг тушуниш савияси ва ушбу фан билан талабанинг танишлигига эътибор қаратиш керак.

Фан мазмуни қуйидагилар бўйича аниқланади:

- махсус фан бўйича талабалар эгаллаши керак бўлган билим, кўникма ва малакалар;
 - талабалар психологик ва ўзлаштириш имкониятларига қараб;
 - ўқув режасидаги бошқа фанлар ўртасидаги ўзаро алоқадорлигини инобатга олиб;
 - махсус фанлар мазмунининг оддийдан-мураккабга қараб баён этилишига;
- фанларни ўқитишнинг мантиқий кетма-кетлиги ва давомийлигига қараб.

Ўқув мақсадлари алоҳида битта мавзу ёки машғулоти бўйича, алоҳида фаолият методлари, ёки бутун фан бўйича ифодаланиши мумкин. Педагогик адабиётларда ўқув мақсадларини қўллаш доирасига қараб уч турга, яъни йўналтирувчи, умумий ва аниқ ўқув мақсадларига ажратилади.

Махсус фанларни ўқитишда ўқув мақсадлари талаба эришиши лозим бўлган билим, кўникма ва шахсий фазилатларни белгилайди. Фаннинг ўқув мақсадлари таълим йўналиши тармоқ стандартида келтирилган фаолият турлари, махсус талаблар, кўникма ва билимлардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқиши лозим.

Махсус фанларни фаол методлардан фойдаланиб ўқитишда ўқув мақсадларини қўйиш услуби ўзига хос хусусиятга эгаллиги шундан иборатки, ўқув мақсадлари талабалар ҳаракатида ифодаланадиган ва аниқ кўринадиган, ҳамда ўлчанадиган натижалар орқали белгиланади. Ўқув мақсадларини ўлчаш, аниқлаш ва баҳолаш имконига эга бўлиш учун ҳар бир ўқув мақсадига эришиш мезонлари ишлаб чиқиши керак.

Демак, дастлаб махсус фан бўйича мазмун аниқлангандан кейин умумий мақсадларни олиш лозим. Умумий ўқув мақсадларида талабаларда шакллантириладиган билим, кўникма ва малакалар аниқ ифодаланиши керак.

5. Фаол методларини танлаш.

Фаол таълим методларини танлашда таълим оловчиларнинг ўқув-билиш имкониятларини, яъни уларнинг ёши, тайёргарлик даражаси, ҳамда, жамоадаги ўзаро муносабатларнинг ўзига хослигини ҳам инобатга олиш муҳим. Ўқув машғулотида тайёргарлик вақтида, таълим методини танлаётиб, биз, албатта, талабаларнинг мустақил ва ижодий ишлаш қobiliятини ҳисобга олишимиз лозим.

Махсус фанга тегишли мавзуларининг ўқитиш кетма-кетлиги ва давомийлиги фаол метод танлашга таъсир кўрсатади. Фаол методларнинг баъзилари талабаларни фаоллаштиришга қанча кўп вақт талаб қилса, топшириқлар ёки амалий фаолиятлари бажарилишига ҳам шунча вақт талаб қилади. Ўқув

машғулоти вақти шунчалик чегараланган бўлиши мумкинки, қўллашда кўп вақт талаб қиладиган фаол методдан фойдаланиш имконини бермайди. Баъзи фаол методларни қўллашда алоҳида шароитлар талаб қилинмайди, аммо махсус ўқув-моддий шароитлар талаб қиладиган фаол методлардан фойдаланмоқчи бўлсак, у ҳолда дидактик таъминотни тўлиқ амалга оширишимиз керак.

Таълим методларини танлаш ўқитиш конкрет шароитлари ва шартлари бўйича амалга оширилди таълим методларини танлашда қуйидаги мезонларга эътибор қаратиш тавсия этилади [59].

- Таълим олувчилар ёши психологияси ўзлаштириш имкониятларига қараб.
- Таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларга қараб.
- Ўқув предмети хусусияти ва ўқитиш методикаси талабларига қараб.
- Машғулот вазифаси мақсади ва мазмунига қараб.
- Ўқув машғулотида ажратилган соатга қараб.
- Ўқув машғулотининг дидактик материаллар кўргазмали ва техник воситалар билан таъминланганлигига қараб.
- Ўқитувчи шахсий сифатлари ва тайёргарлик даражасига қараб.
- Таълим олувчилар мустақил ва ижодий ишлаш қобилиятларига қараб.
- Таълим олувчиларнинг электрон таълим ресурслари, интернет ва бошқа материаллар билан ишлаш кўникмаларига қараб.

Шунингдек, таълим методларини юқоридаги мезонлар асосида танлашда қуйидаги тавсияларни ҳам инобатга олиниши лозим.

- Ўқув материали ўқитувчи раҳбарлигидаги ёки мустақил ўзлаштириладими, шу ҳақда аниқ қарор қабул қилиш;
- Назарий ва амалий машғулотларнинг биргаикда олиб борилишининг инобатга олиб методни танлаши;
- Таълим восталарининг таъминотига эътибор қаратиш керак;
- Таълим олувчилар кизиқишини ва фаол иштирокини аниқлаш;
- Билим кўникма ва малакаларни назорат қилиш, баҳолаш ва ўз – ўзини баҳолаш вақти ва оралиғи аниқ белгилаш керак;
- Режалаштирилган метод асосида ташкил этиладиган ўқув жараёнининг четга чиқиш ҳолатлари мувоффақиятдан сўнг кузатилса юзага келиш мумкинлигини инобатга олиб қўшимча вазиятларни қўллашни ҳам ўйлаб кўриш лозим.

Келтирилган комплекс ҳолатлар ва шартларни инобатга олиб ўқитувчи таълим интизомини тўғри ва мақсадли танлаш лозим.

Шуни эътиборга олиш керакки, фаол методни танлаш нафақат таълим мақсадига, балки ўқув материали мазмунига ҳам боғлиқ бўлади.

6. Ўқув –дидактик воситалар ва материалларни тайёрлаш.

Махсус фанларни ўқитишда ўқув мақсадига самарали эришиш учун ўқитувчи унга ҳар томонлама тайёргарлик кўриши керак. Мана шу тайёргарлик ишларидан бири машғулоти учун дидактик материаллар ва воситаларни тайёрлаш ҳисобланади. Ўқув-дидактик материаллар ва воситаларга муайян фан бўйича ўқитиш жараёнида қўлланиладиган ҳар қандай ахборот ташувчилар ва жиҳозлар тушунилади.

Махсус фанларни фаол методлар асосида ўқитишда ўқув-дидактик материаллар сифатида назарий дарсларда матнли кўргазмали воситалардан, масалан, ўқув адабиётлари, жадваллар, схемалар, расмлар, тарқатма материаллардан, амалий машғулотлар учун ўқув материаллари ва топшириқлар, услубий кўрсатмалар, жиҳоз ёки асбобни ишлатиш ёки лаборатория ишлатиш қоидалардан йўриқномалар бўйича фойдаланилиш тавсия этилади [73].

Ўқув дидактик воситалар ва материаллар қуйидаги 6 гуруҳга ажратилади.

1. Матнли кўргазмали материалларга – ўқув адабиётлар, услубий кўрсатмалар, тарқатма материаллар, синов ва назорат варақалари киради.
2. Тасвири кўргазмали материалларга фотосуратлар, эскиз, чизма ва схемалар, рамзий тасвирлар, режа-жадваллар, символлар, диаграмма ва графиклар, расмлар, плакатлар, слайдлар киради.
3. Овозли ва товушли воситаларга – видеофильмлар, кинофильмлар, диа-товушли маҳсулотлар, аудио кассеталар, компакт дисклар (CD – Rom).
4. Меҳнат соҳасида ишлатиладиган асл нарсалар ва воситалар. Буларга жиҳозлар, қурилмалар, ускуналар, ўлчов асбоблари, хом-ашё ва тайёр маҳсулотлар киради.
5. Моделли воситаларга моделлар, макетлар, тренажёрлар киради.
6. Электрон таълим ресурслар ва воситаларига электрон дарсликлар, электрон маълумотнома, электрон луғат, виртуал стендлар, компьютерлар, видеоқасвлорлар кабилар киради.

Дидактик материал тайёрлаш учун ўқитувчи авваломбор машғулотида бажариладиган ишларни режалаштириб олиши керак.

Шундан сўнг режадаги ҳар бир ишни амалга ошириш учун қандай дидактик материаллардан фойдаланиш кераклиги аниқланади. Бизга маълумки бугунги кунда таълимда қўлланиладиган дидактик материалларнинг турлари жуда кўп. Режадаги биринчи ишни бажариш учун биз қандай дидактик материалдан фойдаланишимиз мумкин. Буни машғулотининг ўқув мақсадидан келиб чиқиб аниқлаймиз. Бунда талабалар амалий ишнинг мазмуни ва уни бажариш босқичлари билан танишиб чиқишлари керак. Бунинг учун эса талабаларни қисқа вақт ичида етарлича ахборотлар билан таъминлашимиз керак. Бу ишни амалга оширишда ўқитувчи касб-ҳунар коллежи моддий техник базаси ва ўзининг қобилиятларига таяниб ушбу ахборотларни стенд ёки компьютерда тайёрланган электрон материал ёрдамида амалга ошириши мумкин. Иккала кўринишдаги дидактик материалда ҳам

амалий ишнинг мазмунини берувчи ахборотлар, ишни бажаришга доир услубий кўрсатмалар ва бажариш намуналари берилиши керак. Режадаги иккинчи ишни амалга ошириш учун қуйидагича дидактик материал ишлаб чиқиш мумкин. Машғулотда бажариладиган амалий ишларга мос келувчи, дидактик воситаларнинг ўрнини босувчи ва таълим муассасасида мавжуд бўлган дидактик воситаларни танлаш ўқитувчининг маҳоратига боғлиқ. Бунда ўқув ахборотларининг мазмуни ва кўриниши бузилмаслиги керак. Масалан, мавзуга оид слайдларни компьютер ёрдамида бериш кўзда тутилган бўлса, аммо компьютер бўлмаса, слайдни графопроектор ёрдамида намойиш этиш мумкин. Шунга ўхшаш ўқув материални видео воситалар ёки компьютер ёрдамида намойиш қилиш, плакатни эса слайд билан алмаштириш мумкин. Муҳими ўқув ахбороти мазмуни бузилмаслиги керак. Ҳар бир босқич бир бири билан узвий боғлиқ бўлганлиги учун шу босқичдаги дидактик воситалар ҳам ўзаро бир бирини давоми сифатида тўлдириб бориши керак. Яъни машғулотда қўлланиладиган дидактик воситалар ўқитиш технологиясининг ажралмас бир қисми ҳисобланиб, улар бу жараённинг амалга ошиши учун мажмуа сифатида хизмат қиладилар.

Агар тайёр ўқув дидактик материаллар йўқ бўлса, у ҳолда уларни ўқитувчининг ўзи тайёрлашига тўғри келади. Дарс жараёнида қўлланиладиган тарқатма материалларга қуйидагилар кириши мумкин:

- бўш қолдирилган жойларни тўлдириш топшириқлари;
- талабанинг ижодий фикрлашига имконият берувчи саволлар;
- амалий ва лаборатория ишлари учун мўлжалланган кўрсатмалар, чизмалар (эскизлар) ва жадваллар, хавфсизлик қоидалари;
- тайёр маҳсулотлар, хомашё материаллари, жиҳоз, асбоб-ускуналар ва ёрдамчи техник воситалар ҳақида маълумотлар ва улардан фойдаланиш бўйича йўриқномалар.

Махсус фан бўйича ўқув ва дидактик материаллар ўқитувчи томонидан тайёрланади ва назарий ёки амалий машғулотлар ўқув мақсадига мослаштирилади.

Махсус фан бўйича дидактик воситаларни ўқув мақсадига, махсус соҳа ва таълим методларга мос ҳолда танлаш лозим. Ўқитувчи ўқув дидактик воситаларни ишлата олишни ва улардан самарали фойдалана олиши керак. Шунингдек, жиҳозлар, ускуна ва асбобларни ишлатаётганда юзага келадиган камчиликларни бартараф эта олиш лозим.

Махсус фанлардан ўқув ва дидактик материалларни тайёрлашда ва танлашда ўқитувчи техник шарт-шароитларни инобатга олган ҳолда қуйидагиларда мавжудлигига ёки уларни ишлаб чиқишга эътиборни қаратиш керак.

- тарқатма материаллар, слайдлар, доска тасвирлари учун эскизлар
- топшириқлар, тестлар
- баҳолаш мезонлари, назорат варақаси

- календар режалари ва бошқа ҳужжатлар


Агар ўқув, дидактик материаллар ва воситалар мавжуд бўлса, у ҳолда уларнинг фаннинг ўқув мақсадлари ва мазмунларига мос келишини таҳлил қилиш керак.

Ушбу босқичда махсус фан бўйича қўлланиладиган ўқув-дидактик материаллар ва воситалар рўйхати, улардан фойдаланиш бўйича тавсиялар, кўрсатмалар ишлаб чиқиши керак. Ўқув-дидактик воситаларни танлашда ва тайёрлашда алоҳида эътиборни электрон таълим ресурсларига қаратиш керак.

Таълим жараёнида фаол методларидан самарали фойдаланишда ўқув-дидактик воситалар ва материаллар билан тўла таъминлаши кўзда тутилиши керак.

Назарий ва амалий машғулотларни ташкил этиш.

Қуйидаги 1-схемада махсус фанни ўқитиш технологияси модели ишлаб чиқилди.



1-расм. Ўқитиш технологияси модели

Фанни ўқитиш технологиясини ишлаб чиқишда ўқув дастурида белгиланган ҳар бир назарий, амалий (лаборатория) ва мустақил иш машғулолтилари, тажриба ва мазмуни аниқлаштирилади. Ҳар бир машғулот бўйича таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи аниқ ўқув мақсадлари ишлаб чиқилди.

Таълимий ўқув мақсади да мавзу бўйича талабанинг ўзлаштириши лозим бўлган билим ва кўникмалар бўйича белгиланади. Тарбиявий мақсадлар талабанинг машғулолтиларида масъулиятни ҳис қилган ҳолда ҳаракатланишга ва ўзининг ҳаракатланиш имкониятларини такомиллаштириб боришга ҳамкорлик ва кичик гуруҳларда ишлаганда шерикларига дўстона муносабат, турли техник хавфсизлиги ва бошқа қоидаларга риоя қилиш каби талабанинг шахсий фазилатларига қараб белгиланади. Ривожлантирувчи мақсадлар асосан талабанинг мустақил ва ижодий ишлаш ҳамда интеллектуал қобилиятларини ривожлантиришга йўналтириб белгиланади.

Кейс услуби (ингл. *Case method* - кейс-услуб, *Case-study* - кейс-стади, аниқ вазият услуби, вазиятли таддил услуби) - реал иқтисодий, ижтимоий ва бизнес-вазиятларнинг тавсифларидан фойдаланган ҳолда ўқувчиларда аниқ кўникмаларни шакллантириш техникасидир. Ўқувчилар вазиятни таҳлил қилишлари, муаммо моҳиятини тушунишлари, мумкин бўлган ечимларни таклиф этишлари ва уларнинг энг яхшипарини танлашлари керак. Кейслар реал вазиятга якин бўлган материалларга асосланади.

Аниқ вазиятлар услуби ("Case-study" услуби) ўйинли бўлмаган имитацион фаол ўқитиш услублари каторига киради.

"Case-study" услубининг мақсади - талабалар гуруҳининг умумлашган кучи билан ишнинг аниқ ҳолатидан келиб чиқадиган вазиятни, яъни аниқ иш жараёнида намоён буладиган "Case"ни таҳлил қилиш, амалий ечимларини ишлаб чиқиш ва уларни тақдимоғ этишдан иборат. Жараённинг тугаши - таклиф этилган вариантларни баҳолаш ва уларнинг ичидан энг самаралисини танлашдир.

"Case-study" услуби қуйидагиларни назарда тутди:

- тижорат амалиётидан ёзма кўринишда тайёрланган кейсга мисол;
- кейсни талабалар томонидан мустақил урганиш ва муҳокама қилиш;
- аудиторияда ўқитувчи раҳбарлигида кейсни биргаликда муҳокама қилиш;
- "муҳокама жараёни ечимга Қараганда муҳимроқ" тамойипига риоя этиш (ушбу услубнинг алоҳида хусусияти - реал ҳаётдан олинган далиллар асосида муаммоли вазиятлар яратишдир);

"Case-study" услуби ижтимоий-иқтисодий ҳаётда вужудга келган ҳақиқий ҳолат (мезонлари)ни намоёниш этади.

Ходисалар услуби. Бу услубнинг диққат марказида ахборот олиш туради.

Услубнинг мақсади — "ўқувчиларни мустақил ахборот излашга, уларни ахборотлар билан ишлашга, туплашга, тизимлаштиришга ва таҳлил қилишга ўқитишдир.

Укувчилар кейсни тула булмаган хажмда оладилар. Маълумот: "... булди" ёки "... юз берди" каби ёзма ёки огзаки булиши мумкин-. Ишнинг бундай шакли куп вақт галаб этсада,

Кейс-стади услубининг ривожланиш тарихи. "Case-study" услуби ишлаб чиқилган жой Гарвард университети (АҚД1) ҳисобланади. Дастлабки кейсдан 1870 йили Гарвард университетининг ҳуқуқ мактаби укув жараснида фойдаланган. Ушбу услуб 1920 йилдан эътиборан Гарвард бизнес мактаби (Harvard Business School)га жорий қилинган.

Кейс билан ишлаш қоидалари

Кейсда вазият тавсифи ва ахборот таъминоти ҳар хил ҳажмда бўлиши (бир вароғдан бир неча юз вароғгача), таҳлил этиш учун таклиф этилаётган вазиятлар тавсифида деталлаштириш даражаси ҳам турлича бўлиши, ахборот кўплиги даражаси ҳам ўзгариши мумкин бўлган – таҳлилга алоқаси бўлмаган маълумотлар ҳам бўлиши мумкин. Амалий вазиятни таҳлил қилиш вақтида:

- таклиф этилаётган ахборотларни кўриб чиқишда адашманг, улар орасида энг зарурини белгиланг;
- вазиятни тор истикболда кўриб чиқманг: муаммо бирданига кичиклашиб ёки умуман ғойиб бўлиши мумкин;
- ҳаракатлар режасини вазиятнинг таҳлили тугалланган ва муаммо аниқлангандан сўнг шакллантиринг

Кейс бирор ташкилотдаги бирор вазиятни ёки куп ташкилотларниш куп йиллик ривожланиш тарихини узига олиши мумкин.



Шуни таъкидлаш жоизки, ўқув жараёнида қўлланиладиган компьютерлаштирилган ўқув дастурлари учун ахборот ташувчилари бўлиб қаттиқ дисклар ёки CD/DVD (стандарт дастурий таъминот) ёки CD/DVD/Internet (амалий фойдаланувчи дастурлар) форматидаги компакт дисклари хизмат қилади. Ахборотни рақамли ташувчилари ва интернет ўқитишнинг техник воситалари билан муносабатда бўлишда талабалардаги юқори даражадаги билимдонликни талаб қилади. Талабалар жуда кўп ахборотга мўлжаллай олиши, танлаши, солиштириши ва қўллаб билиши керак. Ўқитувчи бу вазиятда асосий шарт-шароитларнинг ташкил этувчиси ва етакчиси бўлиб ҳисобланади. Махсус ахборотни мустақил эгаллашлари учун талабаларда билимдонликни ривожлантириш мақсадида ҳаракатланиш қўлланмаси ёрдамида ҳаракатланиш алгоритминини тузиш тавсия қилинади.

Ҳар бир машғулот бўйича билим ва кўникмларани баҳолаш мезонлари ва методлари ишлаб чиқилади. Танланган фаол метод асосида назарий машғулотларни мотивация уйғотиш, билимларни фаоллаштириш, янги билимларни шакллантириш бўйича топшириқлар бериш; таҳлил қилиш ва умумлаштириш, ўзлаштириш, баҳолаш кетма-кетлигида ўтказиш тавсия этилади.

Махсус фан хусусиятига қараб назарий машғулотларда энг юқори самара берадиган фаол методларни танлаш муҳим ҳисобланади.

Махсус фанлар назарий машғулотларни фаол методлар асосида ўтказишда дастлаб мотивация уйғотиш керак. Дарсни талабалар билан қизиқарли, мавзуга оид маълумотлар бериш, ёки суҳбат билан бошлаш лозим. Дарсга мотивация талабаларнинг махсус фанга қизиқиши ошишига ва ўқув материалига эътиборини қаратишга ёрдам беради. Олдинги мавзу билан ўрганиладиган мавзу орасида мантикий боғлиқлик ўрнатилади. Мунозаралар, блиц сўровлар, суҳбатлар орқали билимларни фаоллаштириши мумкин.

Талабаларга ўқув материалига оид тарқатма материаллар, муаммоли саволлар тарқатилиши лозим. Бу ўқув материални ўрганишни енгиллаштиради. Сўнгра мавзу бўйича янги билимларни шакллантириш жараёни ташкил этилди. Ўқитувчи талабаларга махсус фан бўйича янги ўқув материални тушунтиради. Қисқача муаммоли маърузалар ўқийди.

Талабаларни янги ўқув материали бўйича билим, қўникма ва малакаларини мустаҳкам эгаллашлари учун уларнинг мустақил ўрганиши фаолиятини ташкил этади. Гуруҳдаги талабаларни кичик гуруҳларга бўлиб уларга топшириқлар бериб, бажарилишини бошқаради, маслаҳатлар беради. Талабаларни тўғри ечимга йўналтиради.

Топшириқлар билимларни фаол равишда ўзлаштириш ва қайта ишлашга йўналтирилиши керак. Муаммоли ёки ижодий топшириқлар билимларни ўзлаштиришнинг нисбий пассив фазасидан сўнг актив фаза ўтиши учун имконият яратиб беради. Кичик гуруҳларда ишлаш орқали мустақил равишда топшириқларни ечиш ва натижаларни тақдим этиш самарали ўқитиш шаклларида бири ҳисобланади.

Кичик гуруҳларда топшириқлар ечими бўйича ўзаро муҳокамалар ва таҳлиллар ўтказилади. Муаммоли вазиятлар ечими бўйича оралиқ назорат ўтказилади.

Ҳар бир топшириқ ёки муаммоли савол ечишдан кейин талабалар ўзлари бажарган ишларини баҳолашлари лозим. Натижалар кичик гуруҳларда муҳокама қилинади. Ҳар бир назарий машғулот якунида якуний суҳбат учун вақт ажратилиши керак. Бу эса ўз навбатида талабаларнинг ўқув натижалари, уларнинг амалга оширган ва оширолмаган ишлари юзасидан мулоҳаза юритишлари учун яхши имкониятдир.

Касб-ҳунар коллежларида махсус фанлардан амалий машғулотлар асосан амалиёт хоналари ва ўқув устахоналарида ўтказилади. Ўқув устахоналарида талабаларга махсус фан бўйича бажариладиган амалий фаолият босқичлари ўргатилади.

Махсус фанлардан амалий машғулотларни ўтказишнинг бевосита ва билвосита турлари мавжуд. Бевосита бошқариладиган амалий машғулотларда тақдимотлар ва намоишлардан фойдаланилади. Буларга слайдлар, плакатлар, видеотасвирлар ва макетлар моделлар ва реал намуналари қиради. Билвосита

амалий машғулотлар реал жараёнлар ва объектларда иш босқичларини бажарилади. Амалий машғулот натижасида реал натижа олиш кўзда тутилади.

8. Назарий билим ва амалий кўникмаларни баҳолаш.

Махсус фанларни фаол методлар асосида ўқитишда билим ва кўникмаларини баҳолаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Баҳолаш деганда фан бўйича ўқув мақсадларига эришилган даражасини натижа масштаби билан таққослаш тушунилади.

Махсус фанларни фаол методлардан фойдаланиб ўқитишда талабалар билимини ва кўникмаларини баҳолаш ўқув мақсадларига йўналтирган ҳолда мунтазам ўтказиб турилиши керак. Шунда бизда фаол методларнинг қандай натижа бериши ҳақида хулоса қилишга имконият яратилди.

Билим ва кўникмаларни баҳолашда қуйидагиларга эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эга:

- ўқув мақсадларига йўналтирган ҳолда оралиқ ва жорий назоратлар мунтазам ўтказиб турилиши керак;
- педагогик ва психологик таъминотларга, ҳамда баҳолаш стандартига асосланиши лозим.
- баҳолашдан олдин талабани унга қўйиладиган талаб ва баҳолаш мезонлари билан таништириш.
- билим ва кўникмаларни баҳолаш натижалари талабаларга иложи борида тез вақт ичида билдирилиши керак.
- талабанинг олган даст натижалар сабаблари муҳокама этилиши керак.
- даст натижалар олган талабаларга қўшимча таълим олиш бўйича имкониятлар яратилиши керак.

Кўп ҳолларда талабаларнинг махсус фан бўйича билим ва кўникмаларини баҳолашда тестлар, саволлар ва топшириқлардан фойдаланилади.

Педагогик адабиётлар ва тадқиқотларда топшириқлар тестлар қуйидаги йўналишларда тузилиши тавсия этилади.

- талабалар назарий билимларини аниқлаш тестлари;
- ўқув мақсадларига эришилганлигини аниқлаш учун натижа тестлари;
- талабаларнинг интеллектуал ва бошқа қобилиятларни аниқлаш учун қобилият тестлари ва топшириқлар;
- талабанинг амалий кўникмаларини аниқлаш топшириқлари;
- талабанинг мотив, ижтимоий қадриятлари ва қарашларини аниқлаш тестлари.

Бу билан бирга жорий, оралиқ ва якуний назоратлар тестлари билан фарқланади.

Топшириқлар эркин жавоб берилиши лозим бўлган ва бир қанча жавоблардан бирини танлаш керак бўлган топшириқларга бўлинади.

1. Эркин жавоб бериш лозим бўлган топшириқ:

Ушбу топшириқни бажариш жараёнида талабалардан мустақил ҳаракатни талаб этади. Топшириқни бажаришга ажратилган вақт бу ерда муҳим аҳамиятга эга.

2. Бўш жойларни тўлдириш топшириқлари.

Бундай топшириқларда тўлиқ бўлмаган матнларга маълумот, гап бўлаклари, символлар ва сонларни киритишни талаб этади.

3. Берилган жавоблардан бирини танлашни талаб этувчи топшириқлар.

Манбаларда бу топшириқлар “дастурлаштирилган топшириқлар” деб юритилади. Бунда битта тўғри жавоб билан бир қаторда бир қанча нотўғри жавоблар киритилган бўлади.

4. Алтернатив топшириқлар: бундай топшириқларда фақатгина битта тўғри ва битта нотўғри жавоблар берилиши мумкин. Бундай топшириқлар талабадан мустақил фикрлашни талаб қилади.

5. Тўлдириш топшириқларида жавоблар сифатида фикрлар, тушунчалар, гап бўлаклари, сонлар, символлар, рақамлар киритилади.

Шунингдек, баҳолашда муаммоли саволлардан фойдаланилади. Муаммоли саволларни тузиш бўйича қуйидаги тавсиялар берилади.

- муаммоли савол тушунарли ва аниқ берилиши керак;
- жавоб бериш учун етарли вақт ажратилиши керак;
- талаба муаммоли саволларга жавоб беришда қийналса, уни тўғри ечимига йўналтириш керак.

Талабаларнинг амалий кўникмаларни мунтазам баҳолаш махсус фанларни ўқитишнинг асосий белгиларидан бири ҳисобланади. Амалий машғулотлар якунида доим синов ўтказилиши лозим. Синов – бу амалий фаолият тури бўлиб, унинг натижасини сифат жиҳатидан баҳолашдир. Синов орқали талаба бирор бир амалий топшириқни белгиланган вақтда бажариши текширилади ва баҳоланади. Шу билан бирга талабанинг эгаллаган кўникмалари аниқланади.

Синов ишлари бевосита махсус фанга тегишли фаолият турларига асосланган бўлиши, машғулот якунида белгиланган мезонлар асосида баҳоланиши лозим.

9. Мустақил ишларни ташкил этиш ва ўтказиш.

Махсус фанларни фаол методлар асосида ўқитишда назарий ва амалий машғулотлар мавзуларига оид дарс якунида мустақил иш топшириқлари берилиши лозим.

Талабалар мустақил ишларини ташкил этишнинг асосий мақсади:

- талабанинг ўқув материални мустаҳкам ўзлаштиришларини таъминлаш мақсадида қўлланилган топшириқлар бериш ва уларни мустақил равишда бажаришлари учун йўл-йўриқлар кўрсатиш;
- талабаларнинг таълим жараёнидаги фаоллиги ва мустақиллигини ошириш;
- талабаларнинг мустақил фикрлаш ва ижодий ишлаш қобилиятларини ривожлантиришдан иборатдир.

Касб-хунар коллежларида махсус фанларни фаол методлар асосида ўқитишда талаба мустақил ишини қуйидаги ташкилий шаклларида фойдаланиш мумкин:

- назарий билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш учун мавзуларни ўқув адабиётлари ёки бошқа манбалардан мустақил ўзлаштиришга қаратилган саволлар бериши;
- электрон таълим ресурсларидан фойдаланиб топшириқларни мустақил ўзлаштириш;
- ҳисоблашларни талаб қиладиган топшириқларни аниқ ўқув мақсадлари асосида бажариш;
- лаборатория ёки амалий машғулотларга дастлабки тайёргарлик кўриш;
- мустақил тарзда макет, намуналар, маҳсулотлар тайёрлашга йўналтирилган топшириқлар;
- берилган мавзу бўйича реферат тайёрлаш;
- муаммоли вазиятли масалаларни ечишга қаратилган топшириқлар;
- махсус фанга тегишли соҳада бажарилаётган илмий тадқиқот ишларига иштирок этиш.

Махсус фанлардан талабаларнинг мустақил ишини ташкил этишда талабанинг психологик имкониятлари ва ақлий қобилияти, мустақил фикрлаши ва меҳнат қила олиши, таълим муассасасидан ташқари бўш вақтидан тўғри фойдаланиши, Ўз ишига ижодий ёндашиши келажақда касбий йўналиш бўйича муаммоларни мустақил ҳал қила олиш каби бир қатор жиҳатларга Ўз эътиборни қаратиш тавсия қилинади.

10. Таълим натижаларини баҳолаш.

Ўқув жараёни якунида таълимда эришилган натижалар баҳоланади. Таълим натижаларини баҳолаш икки босқичда амалга оширилади:

1. Суҳбат ўтказишлар, маълумот йиғиш, назорат ўтказиш, таълим вазифаларини амалга ошириш бўйича эришилган натижаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш.
2. Ҳар бир талаба, талабалар гуруҳи бўйича таълим жараёни якуний баҳолашларини алоҳида ўрганиб ва таҳлил қилиб, натижаларни умумлаштириш ҳамда юзага келган камчилик ва муаммоларни ечиш бўйича қарор қабул қилиш.

Таълим жараёни натижаларини диагностик баҳолаш яхши самара беради.

Диагностик тест ўқув босқичлари бўйича ўтказилади. Шунингдек, у талабага ўзлаштиришда йўл қўйган камчилиги тўғрисида маълумот беради. Диагностик тест натижалари асосида аниқланган камчиликлар бартараф этилиб, ўқитишнинг фаол методлари такомиллаштирилади. Баҳолаш натижаларидан ўқув режаси ва дастурларини янгилашда фойдаланилади.

2.2. Махсус фанларни ўқитишда таълимнинг “кейс-стади” методини қўллаш технологияси

Республикамизда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда улкан ишлар амалга оширилмоқда. Ривожланаётган соҳаларни малакли кадрлар билан таъминлаш муҳим ижтимоий муаммо ҳисобланади. Ушбу муаммони ҳал этишда ўрта махсус. Касб-ҳунар таълими муассасаларининг алоҳида ўрни бор. Шу боис, таълим муассасаларида ўқув-тарбия ишларини такомиллаштириш долзарб педагогик вазифа ҳисобланади.

Махсус фанларни ўқитиш технологиясига катта эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Ўқув жараёнини шундай ташкил этиш керакки, бунда ҳеч қандай психологик ноқулайлик бўлмаслиги, талабалар ўз имкониятларига тўла ишонишлари зарур. Таълим ҳар бир талабанинг имкониятини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади. Бажарилган иш учун икки баҳо камдан кам ҳолларда қўйилиши ва бунда ҳам талабага уни тўғрилаш, яъни яхши баҳога ўзгартириш имконини бериш лозим. Талабалар билими дарсда мустаҳкамланса, уларга уйга вазифа беришга ҳожат қолмайди. синов имтиҳонларини ўтказиш шарт эмас. Талабалар ўрганилаётган ўқув материалларини яхши қабул қилишлари ва уларнинг толиқиб қолишларининг олдини олиш мақсадида дарсдан ташқари ишларини кенг йўлга қўйиш лозим.

Талабаларнинг дарсдан ташқари фаолияти ўз ичига маслаҳатлар, қўшимча машғулотлар, маданий-оммавий тадбирлар ва илмий-маърифий ишлар, предметлараро алоқадорликка асосланган илмий-амалий конференциялар: фанлар ҳафталиги, гиёҳвандлик ва экология муаммоси бўйича талабаларнинг ижодий ишлари, кашандалик ва ичкиликбозликка қарши ташвиқот-тарғиботларни қамраб олади.

Таълим муассасасида техника тараққиёти бўйича кўрик-танловларини ва экологик жараёнларни бошқариш мавзулари бўйича театрлаштирилган тақдимотларини ўтказиш талабаларнинг тасаввурини кенгайтиради ва уларда бошқарув кўникмаларини шакллантирилга хизмат қилади. Таълим муассасасида техника тараққиёти бўйича кўрик-танловларини ва экологик жараёнларни бошқариш мавзулари бўйича театрлаштирилган тақдимотларини ўтказиш талабаларнинг тасаввурини кенгайтиради ва уларда бошқарув кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади.

Биз томондан “Тикув буюмлари технологияси” фанидан ҳар бир машғулотни “кейс-стади” методидан самарали фойдаланиш ўтказиш технологияси модели ва технологик хариталари ишлаб чиқилди ва улар асосида ўқитиш жараёни ташкил этилди. Ўқув дастурида белгиланган қолган назарий ва амалий машғулотлар учун ҳам худди шундай тузилмада ўқитиш технологияси,

моделлари ва технологик хариталари ишлаб чиқилиб таълим жараёнини жорий этилди.

КЕЙС-ТЕХНОЛОГИЯСИ

КЕЙС: УСТ КИЙИМ ЧЎНАКЛАРИГА ИШЛОВ БЕРИШ.

I. ПЕДАГОГ АННОТАЦИЯСИ

Ўқув предмети: Тикув буюмлари технологияси.

II. Мавзу: УСТ КИЙИМЛАР ЧЎНТАГИГА ИШЛОВ БЕРИШ.

III. Берилган кейснинг мақсади:

Ўқувчиларга УСТ КИЙИМЛАР ЧЎНТАГИГА ИШЛОВ БЕРИШ ҳақида маълумот бериш. Дунёқарашини кенгайтиришга ва мустақил фикрлашга ўргатиш.

УСТ КИЙИМЛАР ЧЎНТАГИГА ИШЛОВ БЕРИШ жараёни ,чўнтак турларини излаб топиш,бичиш-тикиш кетма-кетликларини тайёрлашлари ҳақида ечимларни аниқлаш.

Кутилаётган натижалар:

- УСТ КИЙИМЛАР ЧЎНТАГИГА ИШЛОВ БЕРИШни билиб олиш;
- ўрганилаётган мавзу бўйича амалий кўникмаларга эга бўлади;
- ўрганилиши назарда тутилаётган тушунчалар ҳақида малакага эга бўлади;
- муаммоли вазифаларни ечишда назарий билимларини қўллайди;
- муаммони аниқлаб, уни ҳал қилишда ечим топади.

Кейсни муваффақиятли амалга ошириш учун ўқувчилар қуйидаги билимларга эга бўлиши лозим:

Ўқувчи билиши керак:

- талабаларга аёллар устки кийим чўнтакларини бичишга қўйиладиган талабларни ўргатиш;
- тикув-трикотаж буюмларини ишлаб чиқариш саноатида аёллар пальтосининг тутган ўрни ва уни тайёрлаш технологияси ҳақида назарий билимларни амалий кўникмаларга айлантириш;
- аёллар замонавий пальтосини моделлаштириш ва бичишга қўйиладиган талаблар асосида жараённи сифатли бажаришни ўргатиш;
- Чўнтак турларини ўргатиш;
- пальтони чўнтагини тикишга тайёрлаш жараёнинг усулларини ўрганиш.

Талаба амалга ошириши керак:

- мавзунини мустақил ўрганади;
- муаммонинг моҳиятини аниқлаштиради;
- ғояларни илгари суради;
- маълумотларни танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқиб, мустақил қарор қабул қилишни ўрганади;

- ўз нуқтаи назарига эга бўлиб, мантикий хулоса чиқаради;
- ўқув маълумотлар билан мустақил ишлайди;
- маълумотларни таққослайди, таҳлил қилади ва умумлаштиради;

Кейсда ишлатилган маълумотлар манбаи:

Кейснинг типологик хусусиятларига кўра хараактеристикаси:

Ушбу кейснинг асосий манбаичўнтак тикиш жараёни бўлиб,кейснинг асосий объекти шахсга йўналтирилгандир. Бу кейс маълумотлар вазиятлар ва саволлар асосида тузилган. У ўрта ҳажмдаги кейс технологияси ҳисобланади, семинарга мўлжалланган ўқув мавзу бўйича билим ва кўникмалар ҳосил қилишга қаратилган.

Дидактик мақсадларга кўра кейс муаммоларни тақдим қилишга, уларни ҳал этишга, таҳлил қилиш ва қаратилган.

Ушбу кейсдан Касб-хунар коллежи талабалари махсус фанларини ўқитишда фойдаланишлари мумкин.

КЕЙС УСТ КИЙИМЛАР ЧЎНТАГИГА ИШЛОВ БЕРИШ. К И Р И Ш

Чўнтаклар қирқма, чокдаги, қоплама ва ички турларга бўлинади. Улар листочкали, қопқоқли, рамкали бўлади.

Қирқма чўнтаклар қаерга жойлашганига қараб ён чўнтак, юқори чўнтак деб аталади. Чўнтак қирқмаси йўналишига қараб вертикал, горизонтал ва қиялама, чўнтак оғзи шаклига қараб тўғри чизик шаклида ва мураккаб шаклда бўлади. Юқори томонини безатилишига қараб листочкали, мағизли ва қопқоқли, пастки томони рамкали ёки кантли бўлади.

Қопқоқли икки мағизли қирқма чўнтакни тикиш

Бу чўнтакларни тикиш 3 босқичдан иборат:


1. Майда деталларни (қопқоқ, листочка) тикиш
2. Чўнтак халталарни тикиш
3. Чўнтакни тикиб йиғиш

1. Чўнтак қопқоқ **авра, астар ва қотирмадан** иборат. Уларни ип ёки елим ёрдамида улаш мумкин.

Чўнтак қопқоқни турғунлаштириш учун унга елимли ёки елимсиз қотирма Cs-371 прессида ёпиштирилади. Қопқоқ авра ва астарини ўнгини ичкарига қаратиб, айлана ёки учли жойларида аврадан 0,2-0,3 см. солқи ҳосил қилиб, астар

томондан ағдарма чок билан тикилади (6.2.1-расм. чок 1). Қопқоқнинг астари аврасидан кўра 0,4-0,6 см. энсиз бўлиши керак. Сўнгра бурчак жойларида 0,2-0,3 см. кенгликда чок ҳақи қолдириб, қирқиб ташланади.

Чўнтак қопқоқни 570 кл. ярим автомат машинасида тикишда, қопқоқ деталлари махсус қисқичлар билан қисилиб, белгиланган чизик бўйлаб ағдарма чок солиш билан бирга, ортиқча чок ҳақи қирқилади. Чўнтак қопқоқни ўнгига ағдариб, шаблонларга кийгизиб, чўнтак қопқоқ аврасидан 0,2 см. кенгликда кант ҳосил қилиб, “ТЕСТ” фирмасининг FG2PS прессида дазмолланади. Сўнгра безак бахяқатор юргизилади (6.2.1-расм , чок 2).



1-расм. Чўнтак

2-расм. Чўнтак халталарни тикиш.

қопқоқ тикиш.

2. Кўринма чўнтак халтага қирқимларини 0,7 см. кенгликда ичкарига букиб, букилган зийидан 0,1- 0,2 см. нарида бостириб тикилади (6.2.2-расм а, чок 3).

Пастки мағизнинг қирқими йўрмаланади (чок 4). Мағизни икки букиб орасига чўнтак халтани кўйиб, мағиз қирқимидан 2 мм. нардан бостириб тикилади (6.2.2-расм б, чок 5).


Ўнг чўнтакда майда пул солинадиган ички чўнтак тайёрланиши мумкин.

Чўнтак халтанинг кесиб букланган жойининг тагига ички чўнтак халтаси кўйилиб, бахяқатор юритилади (кесимнинг кенглиги кўринма кенглигига тенг). Сўнгра кўринма юқорида айтиб ўтилгандай чўнтак халтага бостириб тикилади (6.2.2-расм, в).

Кўринмали чўнтак халта устига чўнтак қопқоқни ва унинг устига 2 букилган мағизни кўйиб, бириктириб тикилади (6.2.3-расм, чок 6).

1. Олд бўлакка чўнтак ўрни 4 та (2 та горизонтал ва 2 та вертикал) чизик билан белгиланади. Юқориги чизикга мағиз, қопқоқ ва кўринмали чўнтак халта уланади (чок 7), пастки чизикга чўнтак халтали мағиз 0,6см. кенгликда чок солиб уланади (чок 8). Бахяқаторлар орасида олд бўлак чўнтак учларига

15 мм. етказмай қирқилади. Чўнтак халталар тескари томонга ағдарилиб, чоклар тўғриланади, халталар ёнлари тикилади (чок 9). Тайёр чўнтак дазмолланади.



6.2.3-расм. Қопқоқли икки мағизли қирқма чўнтакни тикиш.

Листочкали қирқма тепа чўнтакни тикиш

Бу чўнтакни тикиш 3 босқичдан иборат:

1. Листочка тайёрлаш
2. Чўнтак халта тайёрлаш
3. Чўнтакни тикиб йиғиш

1. Яхлит бичилган листочка икки букланиб дазмолланади. Ҳосил бўлган букилиш чизиги бўйлаб листочкага қотирма ёпиштирилади. Листочка икки букланиб, ён қирқимлари тикилади. Бурчакларидаги чок ҳақлари кесиб ташланади. Листочка юз томонга ағдарилади. Тайёр листочкага чўнтак халтанинг 1 қисми уланади (6.2.4-расм, чок 1).

2. Чўнтак халтанинг иккинчи қисмига кўринма 7 мм. кенгликдаги чок билан уланади (чок 2).

3. Олд бўлакка чўнтак ўрни 3 та чизик билан белгиланади. Белгиланган чизик бўйлаб листочка олд бўлакка уланади (чок 3). Кўринма олд бўлакка листочка уланган чокдан 10 мм. масофада уланади (чок 4). Олд бўлак бахяқаторлар орасида чўнтак учларига 10-15 мм., бахяқаторлар томонига 2 мм. етказмай қирқилади. Чўнтак халталар тескари томонга ағдарилиб, бириктириб тикилади (чок 5), листочка учлари олд бўлакка синик бахяқатор билан бостириб тикилади (чок 6). Тайёр чўнтак дазмолланади.

3-расм. Чокдаги листочкали чўнтакни тикиш.

Чокдаги листочкасиз чўнтакни тикиш

Олд бўлакнинг чўнтак тикиладиган жойига чўнтак зийини чўзилишдан сақлаш учун елимли уқа ёпиштирилади. Олд бўлакка қотирма уланган бўлса, уқа қўйилмайди. Олд бўлак қирқимига чўнтак халтанинг бир бўлаги 0,7 см. кенгликдаги чок билан бириктириб тикилади (6.2.6-расм, чок 1). Белгиланган чизик бўйлаб олд бўлак букилиб дазмолланади. Ён бўлакка чўнтак халтанинг иккинчи бўлаги 0,7 см. кенгликдаги чок билан тикилади (чок 2). Олд ва ён бўлак улангандан кейин, олд бўлакнинг букилган қисми устидан безак бахяқатор юритилади (чок 3). Чўнтак халта тикилади (чок 4). Тайёр чўнтак дазмолланади.

Қуйидаги кейс –*ўқувчларнинг дунёкарашини кенгайтириш, чўнтак бичиш ва тикиш муаммоларга ечимларни излаб топшига имконият яратади.*

Ушбу кейсни муваффақиятли амалга ошириш учун мавзу бўйича , *чўнтак бичиш ва тикиш* ҳақида билим ва кўникмаларга эга бўлиш зарур.

Кейс ечими орқали қўйидаги натижаларга эришиш мумкин:

- ўзлаштирилган мавзу бўйича билимларни мустаҳкамлаш;
- муаммонинг ҳамда қабул қилинган ечимнинг гуруҳий таҳлилида билим ва кўникмаларни қайта топшириш;
- мантиқий фикрлашни ривожлантириш;
- мустақил равишда қарор қабул қилиш кўникмаларини эгаллаш;
- ўқув ахборотларини ўзлаштириш даражасини текшириб кўриш.

Кейсда асосан уст кийимлар чўнтагини тикиш жараёни ҳақида маълумотлар келтирилган.

МУАММОЛИ ВАЗИЯТ

Листочкали қирқма чўнтакнинг технологик тикилиши, рамкали қирқма чўнтак тикиш технологиясига ўхшасада, лекин айрим қўшимча бўлақларига ишлов бериш керак.

Листочкали қирқма чўнтакни тикиш учун, аврадан листочка қирқиб олинади. Унинг узунлиги (130-150 мм) 40 мм қўшилади: чўнтакнинг ҳар икки томонидан 20 мм дан. Баландлиги эса 50-70 мм га тенг. Шундай узунликда, баландлиги эса 2 баробар калта қилиб кўринма қирқиб олинади. Кўринмага ҳам листочкага ҳам, қотирма билан ишлов берилади.

Астарли газламадан ёки асосий газламадан 2 та бир хилда чўнтак халта қирқилади, ўлчамлари: кенглиги листочка кенглигига тенг, баландлиги эса чўнтак чуқурлигига 150-170 мм Қ 50-60 мм га тенг.

Бундай чўнтакни тикиш 3 босқичдан иборат:

1. Листочка тайёрлаш
2. Чўнтак халта тайёрлаш
3. Чўнтакни йиғиб тикиш.

1. Яхлит бичилган листочка икки букланиб дазмолланади. Ҳосил бўлган букилиш чизиғи бўйлаб листочкага қотирма ёпиштирилади. Листочка икки букланиб, ён қирқимлари тикилади. Бурчакларидаги чок ҳақлари кесиб ташланади. Листочка юз томонига ағдарилади. Тайёр листочкага чўнтак халтанинг 1 қисми уланади.


2. Чўнтак халтанинг 2-қисмига кўринма 7 мм кенгликдаги чок билан уланади.

3. Олд бўлакка чўнтак ўрни 3 та чизиқ билан белгиланади. Белгиланган чизиқ бўйлаб листочка олд бўлакка уланади Кўринма олд бўлакка листочка уланган чокдан 10 мм масофада уланади. Олд бўлак бахяқаторлар орасида чўнтак учларида 10-15 мм, бахяқаторлар томонига 2 мм етказмай қирқилади.

4. Чўнтак халталар тескари томонга ағдарилиб, бириктириб тикилади. Листочка учлари олд бўлакка синиқ бахяқатор билан бостириб тикилади. Тайёр чўнтак дазмолланади.



2-расм. Олд бўлакнинг пастки қисмида листочкали қирқма
чўнтакнинг тайёр кўриниши



II. АМАЛИЙ ВАЗИЯТНИ БОСҚИЧМА – БОСҚИЧ ТАХЛИЛ ҚИЛИШ ВА ҲАЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ТАЛАБАЛАРГА УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР

2.1. Талабаларга йўриқнома

Иш босқичлари	Маслаҳатлар ва тавсияномалар.
1. Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан танишиш	Аввало кейс билан танишинг.“ УСТ КИЙИМЛАР ЧЎНТАГИГА ИШЛОВ БЕРИШ”. Бу ҳолат УСТ КИЙИМЛАР келиб чиқиши, ЧЎНТА турлари, чўнтакларга ИШЛОВ БЕРИШ жараёнлари, тикиш кетма-кетлиги,хавфсизлик қоидаларига бўлган бутун ахборотни диққат билан ўқиб чиқиш лозим. Ўқиш

	пайтида вазиятни таҳлил қилишга шошилманг.
2. Берилган вазият билан танишиш	Маълумотларни яна бир маротаба диққат билан ўқиб чиқинг. Сиз учун муҳим бўлган сатрларни белгиланг. Бир абзацдан иккинчи абзацга ўтишдан олдин, уни икки уч маротаба ўқиб мазмунига кириб борамиз. Кейсдаги муҳим фикрларни қалам ёрдамида остини чизиб қўйинг. Вазият тавсифида берилган асосий тушунча ва ибораларга диққатингизни жалб қилинг. Ушбу вазият уст кийимлар чўнтакларига ишлов бериш ҳақида бўлиб, далилларни санаб ўтинг ва қайсиси аниқлаштирилиши лозимлигини аниқланг
3. Муаммоли вазиятни таҳлил қилиш	Асосий ва кичик муаммоларга диққатингизни жалб қилинг. <i>Асосий муаммо:</i> Чўнтакларига ишлов бериш жараёнида юза келган муаммоли вазиятлар: техник носозлик, матонинг етмаслиги, игнанинг синуши, чўнтак қирқимларида носозликлар.
4. Муаммоли вазиятни ечиш усул ва воситаларини танлаш ҳамда асослаш	Ушбу муаммоларни олдинни олиш ҳаракатларини излаб топиш мақсадида қуйида тақдим этилган “Муаммоли вазият” жадвалини тўлдиришга киришинг. Муаммони ечиш учун барча вазиятларни кўриб чиқинг, муқобил вазиятни яратинг. Муаммонинг ечимини аниқ вариантлардан танлаб олинг, муаммонинг аниқ ечимини топинг. Жадвални тўлдиринг. Кейс билан ишлаш натижаларини ёзма шаклда илова этинг.

2.2. “Муаммоли вазият” жадвалини тўлдириш

Муаммолар	Муаммоли вазиятнинг келиб чиқиш сабаблари	Вазиятдан чиқиб кетиш ҳаракатлари
Чўнтакларига ишлов бериш жараёнида юза келган муаммоли вазиятлар: 1. Техник носозлик 2. Матонинг етмаслиги 3. Игнанинг синуши		

4.чўнтак қирқимларида носозликлар.		
---------------------------------------	--	--

2.3. Кейс билан ишлаш натижалари ёзма шаклда илова этилади

2.3.Кейс – стади учун ёзма иш талаблари

1. Иш А4 стандартдаги вароғнинг бир томонида (2-вароғдан ошмаган ҳолда) тезис шаклида ёзилиши керак.
2. Ёзма ишни жиҳозлаш тартиби:
 - биринчи бетда, ўнг томонда талаба исми, шарифи ва гуруҳини ёзиши керак;
 - вароғнинг марказида кейснинг мавзуси ёзилади;
 - кейин эса кейс билан ишлаш натижалари тезис шаклида ёзилади

2.4. Кейс билан ишлаш қоидалари

Кейсда вазият тавсифи ва ахборот таъминоти ҳар хил ҳажмда бўлиши (бир вароғдан бир неча юз вароғгача), таҳлил этиш учун таклиф этилаётган вазиятлар тавсифида деталлаштириш даражаси ҳам турлича бўлиши, ахборот кўплиги даражаси ҳам ўзгариши мумкин бўлган – таҳлилга алоқаси бўлмаган маълумотлар ҳам бўлиши мумкин. Амалий вазиятни таҳлил қилиш вақтида:

- таклиф этилаётган ахборотларни кўриб чиқишда адашманг, улар орасида энг зарурини белгиланг;
- вазиятни тор истикболда кўриб чиқманг: муаммо бирданига кичиклашиб ёки умуман ғойиб бўлиши мумкин;
- ҳаракатлар режасини вазиятнинг таҳлили тугалланган ва муаммо аниқлангандан сўнг шакллантиринг

2.5. Кейс билан ишлаш жараёнини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари (мустақил аудиторияда ва аудиториядан ташқари бажарилган иш учун)

Аудиториядан ташқари бажарилган иш учун баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари

Талабалар Рўйхати	Асосий муаммо Ажратиб оли- ниб, тадқиқот объекти аниқ- ланган мак.1.5 б.	Муаммоли ва- зиятнинг ке- либ чиқиш са- баблари аниқ кўрсатилган мак.1.0 б.	Вазиятдан чиқиб кетиш ҳаракатлари Аниқ кўрса- тилган мак.2.5 б	Жами мак. 5 б

4.6-5.0 б. – аъло

4.5-3.6 б. – яхши

3.5-2.6 б. – қониқарли

2.5 – 0 б. –қониқарсиз

2.6. Аудиторияда бажарилган иш учун баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари

Гуруҳлар Рўйхати	Гуруҳ фаол мак. 1 б	Маълумотлар кўргазмали тақдим этилди мак.2 б	Жавоблар тўлиқ ва аниқ берилди мак.3 б	Жами мак. 5 б
1				
2				
3				

4.6-5.0 б. – аъло

4.5-3.6 б. – яхши

3.5-2.6 б. – қониқарли

2.5 – 0 б. –қониқарсиз

2.7. Кичик гуруҳларда ишлаш қондаси

1. Талабалар ишини бажариш учун зарур билим ва масалаларга эга бўлмоғи лозим.
2. Гуруҳларга аниқ топшириқлар берилмоғи лозим.
3. Кичик гуруҳ олдида қўйилган топшириқни бажариш учун етарли вақт ажратилади.
4. Гуруҳлардаги фикрлар чегараланмаганлиги ва тазйиққа учра-маслиги хақида огохлантирилиши зарур.
5. Гуруҳ иш натижаларини қандай тақдим этишини аниқ билиш-лари, ўқитувчи уларга йўриқнома бериши лозим.
6. Нима бўлганда ҳам мулоқотда бўлинг, ўз фикрингизни эркин намоён этинг.

III. ЎҚИТУВЧИ ЖАВОБ ВАРИАНТИ

Муаммо: Чўнтақларига ишлов бериш жараёнида юза келган муаммоли вазиятларда техник носозлик ишлари бартараф этилади, тикиш жараёнидаги

газламани суриш, матонинг етмаслиги олди олинади, игнанинг синишига йўл қўйилмайди, чўнтак қирқимларида носозликлари учун тавсиялар ишлаб чиқиш.

Вазифалар:

- берилган вазият бўйича ўқув адабиёти, слайд билан танишиб чиқиш;
- берилган муаммоли вазият билан танишиб чиқиш ва таҳлил қилиш;
- вазиятдаги муаммоларни аниқлаш;
- муаммоли вазиятдаги тушунча ва таянч иборалар устидан ишлаш;
- муаммоли вазият жадвалини тўлдириш ва тавсиялар ишлаб чиқиш;
- муаммоли вазият бўйича хулосани шакллантириш;

Муаммоли вазиятни ечиш йўллари

Чўнтакларига ишлов бериш жараёнида юза келган муаммоли вазиятларда техник носозлик ишлари бартараф этилади, матонинг етмаслиги олди олинади, игнанинг синишига йўл қўйилмайди, чўнтак қирқимларида носозликлари учун тавсиялар ишлаб чиқилади.

IV. МУАММОЛИ ВАЗИЯТЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ БЎЙИЧА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТДА ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Амалий машғулотнинг ўқитиш модули бўлади

4.2. Амалий машғулотнинг технологик харитаси

Т/р	Машгулот боскичлари	Ажратилган вақт	Машгулот мазмуни
1	Ташкилий қисм	5 мин	Ўқувчиларнинг давоматини текшириш. Ўқувчининг ва ўқув хонаси машғулотга тайёргарлик ҳолатини куздан кечириш. Камчиликларни бартараф этиш. Мавзуни, вазият мазмунини аниқлайди, информацион таъминотга тайёргарлик куриш, тавсия этилган адабиётларни ўқиб ўрганишни тавсия этиш.
2	Кириш қисми	15 мин	Ўқув машғулотини мавзуси, мақсади, вазифалари ва ўқув фаолияти натижаларини айтади, Листочкали қирқма чўнтакнинг технологик тикилиши, рамкали қирқма чўнтак тикиш технологиясига ўхшасада,

			лекин айрим қўшимча бўлакларига ишлов бериш керак. Листочкали қирқма чўнтакни тикиш учун, аврадан листочка қирқиб олинади. Унинг узунлиги (130-150 мм) 40 мм қўшилади: чўнтакнинг хар икки томонидан 20 мм дан. Баландлиги эса 50-70 мм га тенг. Шундай узунликда, баландлиги эса 2 баробар калта қилиб кўринма қирқиб олинади. Кўринмага ҳам листочкага ҳам, қотирма билан ишлов берилади. Астарли газламадан ёки асосий газламадан 2 та бир хилда чўнтак халта қирқилади, ўлчамлари: кенглиги листочка кенглигига тенг, баландлиги эса чўнтак чуқурлигига 150-170 мм Қ 50-60 мм га тенг. Бундай чўнтакни тикиш 3 босқичдан иборат: 4. Листочка тайёрлаш 5. Чўнтак халта тайёрлаш 6. Чўнтакни йиғиб тикиш. Мавзу буйича ўқувчиларнинг билимларини фаоллаштириш мақсадида ақлий-хужум ўтказилади. Кейс- стади вазифасида ўқувчилар муаммоларнинг ечимларини аниқлайди. Амалий машғулотларнинг иш тартиби ва натижаларини баҳолаш мезонлари билан танишиб чиқадилар. Кейс мазмуни билан янада яқинроқ танишиш учун ўқувчиларга материалларни таркатиб чиқади.
3	Янги мавзунинг баёни	40 мин	Кейсда бор бўлган материалларни муҳокама қилишни ташкиллаштиради, диккатни кейс билан ишлаш коидаларига, муаммони ечиш алгоритмига ва вазифани аниқлашга қаратилади. Ўқувчиларни ўқ кичик

			гурухларга бўлиб, муаммоли вазият услубидан фойдаланилган холда тарқатади.
4	Мустахкам лаш	20 мин	Гурухларга топшириқларни бажариш, кичик гурухларда кейс билан якка тартибда бажарилган ишлар натижаларини муҳокама қилишни ташкиллаштирилади. Диккатни кузатиладиган натижага жалб қилади. Хар бир гурух топшириқларни ватман қоғозларга тушириб, тақдимотни ўтказишга ёрдам беради, хулосага алоҳида эътибор беради. Топшириқларнинг қай даражада тугри эканлигини диккат билан тинглайди.
5	Якуний қисм	10 мин	Иш якунларини чиқаради. Бугунги мавзу долзарб эканлигига тўхталиб ўтади. Фаол талабаларни баҳолаш мезонлари оркали рағбатлантиради. Тавсия этилган муаммо ечимларига изоҳ беради. Яна бир бор кейс- стадининг ахамиятига атрофлича тўхталиб ўтади

1-Илова

Ақлий-ҳужум савол ва жавоблари

<i>№</i>	<i>Савол</i>	<i>Жавоб</i>
1.	Чўнтак тикиш кетма-кетлиги тузинг?	
2.	Чўнтак тикишда қандай чоклардан фойдаланамиз?	
3.	Чўнтак турларини айтинг?	

2-Илова

1 - топшириқ

Гурухларда ишлаш учун эксперт вароғлари

1-гурӯҳ.

Чўнтак тикиш кетма-кетлиги тузишда қандай нуқсонларга дуч келамиз?

“Муаммоли вазият” жадвалини тўлдиринг

Муаммоли вазият тури	Муаммоли вазиятнинг келиб чиқиш сабаблари	Вазиятдан чиқиб Кетиш ҳаракатлари

2- гурӯҳ.

Листочкали қирқма тепа чўнтакни тикишда муаммоли вазиятлар.

Муаммоли вазият тури	Муаммоли вазиятнинг келиб чиқиш сабаблари	Вазиятдан чиқиб кетиш ҳаракатлари

IV. “КЕЙС-СТАДИ” ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТНИ ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

«ТАСДИКЛАЙМАН»
Ўқув ишлар буйича
директор ўринбосари

(ф.и.ш) (имзо)
« _____ » _____ 20__ йил

АМАЛИЙ ДАРС РЕЖАСИ

Гурухлар	1-10	2-10
Дарс ўтилган сана		

Ўқув фанининг номи. Тикув буюмлари технологияси.

I. Мавзу номи: УСТ КИЙИМЛАР ЧЎНТАГИГА ИШЛОВ БЕРИШ.

Дарснинг максадлари:

Таълимий: Талабаларда пальто чўнтаклари ҳақида билимларни шакллантириш.

Тарбиявий: Талабаларга замонавий кийимларни ҳаётга тўғри тадбиқ қилишни ўргатиш эстетик тарбия бериш.

Ривожлантирувчи: Дунёқарашни кенгайтириш. Фанга қизиқтириш, уларни дунёқарашини кенгайтириш, эркин ва мустақил фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш.

Дарсдан кутилаётган натижалар—мавзуни ўзлаштиргандан сўнг ўқувчилар қуйидаги билим ва кўникмаларга эга бўлдилар:

1. Чўнтак тикиш жараёнлари ҳақида билимларни эгаллайди.
2. Ўрганилаётган мавзу бўйича амалий кўникмаларга эга бўлади
3. Ўрганилиши назарда тутилган тушунчалар ҳақида малакага эга бўлади.
4. Муаммоли вазифаларни ечишда назарий билимларни қўллайди.
5. Муаммони аниқлаб, уни ҳал қилишда ечим топади.

Таълим методлари: Муаммоли вазифалар методи, кейс стади, ақлий-ҳужум

Баҳолаш мезонлари: оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

I .Янги тушунча ва ҳатти-ҳаракатларини шакиллантириш.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Қирқма чўнтакларнинг қандай турлари бор?
2. Қопқоқли қирқма чўнтакларнинг қандай деталлари бор ва улар қандай материаллардан тайёрланади?
3. Листочкали қирқма чўнтакларнинг қандай турлари бор?
4. Қирқма чўнтакларни тикиш неча босқичдан иборат?
5. Чокдаги чўнтаклар кийимнинг қаерида жойлашган бўлиши мумкин?
6. Шимда қандай чўнтаклар ишлов берилади?
7. Кўринма нима учун ишлатилади?
8. Чўнтак тикиш учун қандай жиҳозлар ишлатилади?
9. Қоплама чўнтаклар қандай деталлардан иборат?
10. Қоплама чўнтакларнинг юқори қирқимиға қандай ишлов берилади?
11. Қоплама чўнтакларни асосий деталға улашнинг қандай усуллари бор?
12. Ички чўнтаклар кийимнинг қаерида ишлов берилади?
13. Ички чўнтакларнинг қандай турлари бор?
14. Ички чўнтакларни тикиш неча босқичдан иборат?

Ахборот манбалари ва технологик воситалари: Маърузалар матни, тикув мушинаси, керакли анжомлар, қайчи, андазалара, бўр, картон, см.ли тасма, материаллар.

Дарс тури: амалий, жамоавий, гуруҳларда ишлаш.

Дарсга ажратилган вақт микдори: _80 мин.

Уйга вазифа:

Ўқитувчи : _____
(ф.и.ш) (имзо)

ХУЛОСА

Ҳозирги пайтда таълим жараёнида ноананавий усуллар орқали талабаларда билим олиш ва кўникмаларни эгаллашга қизиқиш уйғотиш, уларнинг мустақил ва эркин фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш, талаба ва ўқитувчи орасида онгли муносабатларни ўрнатиш, талабаларнинг ахборот манбалари билан мустақил ишлаш фаолиятларини шакллантириш ва уларнинг машғулотларга мунтазам ва тўлиқ иштирокини таъминлашга эришиш мумкин. Касб-хунар коллежларида махсус фанларни ўқитишда талабалар фаолиятини фаоллаштиришдан олдин уларнинг дастлабки билим даражаси, ўзлаштирган билимларни амалиётда қўллай олиши кўникмаларни ҳамда мустақил ишлаш қобилиятларини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эгалиги кўрсатиб ўтилди. Чунки, ушбу хусусиятларни ҳар томонлама таҳлил қилмай туриб, талабаларнинг фаол

фаолият кўрсатиш даражаси ҳақида фикр юритиб бўлмайди. Касб–хунар коллежларида таълим жараёнига фаол методларни қўллаш орқали талабаларининг билим имкониятлари, мустақил ўрганиш қобилиятларини, ижодкорликни ҳамда амалий кўникмаларини ривожлантиришга эришиш мумкин.

Биз томондан касб-хунар коллежларида махсус фанларни ўқитиш бўйича олиб борилган амалий тажрибаларга асосланиб, махсус фанларни “кейс-стади” методлар асосида ўқитиш методикаси ишлаб чиқилди. Ушбу методикага мувофиқ фаол методлардан фойдаланиб фаоллаштирилган ўқитиш жараёни бир-бири билан боғланган фаолиятлар айланаси сифатида қаралди ва ҳар бир фаолиятнинг амалга оширилиши мазмунан ёритиб берилди. Касб-хунар коллежларида махсус фанлардан таълим талабаларнинг ўқув-билиш ва амалий фаолиятларини фаоллаштиришда кўмак берувчи таълим методларини ва ўқув мақсадларининг тўғри танлаш муҳим аҳамият касб этади. “Кейс-стади” методини мақсадли танланиши белгиланган ўқув мақсадга эришишни кафолатлайди. “Кейс-стади” таълим методини танлашда таълим олувчининг билим олиш имкониятларини, яъни уларнинг ёши, тайёргарлик даражаси, гуруҳ орасида ўзаро муносабатларнинг ўзига хослигини, шунингдек ўқув машғулотига тайёргарлик вақтида, танлаётиб, биз, албатта, талабаларнинг мустақил ва ижодий ишлаш қобилиятининг шаклланганлик даражасини инобатга олиш кераклиги асослаб берилди.

Биз томондан “Тикув буюмлари технологияси” фанидан “кейс-стади” методидан фойдаланиб ўқитиш технологияси модели, технологик хариталари ишлаб чиқилиб амалда татбиқ этилди. Махсус фанларни “кейс-стади” методидан фойдаланиб ўқитишда талабалар билимини ва кўникмаларини баҳолаш ўқув мақсадларига йўналтирган ҳолда мунтазам ўтказиб турилиши ноананавий усулларнинг қандай натижа бериши ҳақида хулоса қилишга имконият яратилиши таъкидлаб ўтилди. Касб-хунар коллежларида «Тикув буюмлари технологияси» фанини “кейс-стади” методидан самарали фойдаланиб ўқитиш бўйича ўтказилган очик дарс таҳлили методикамизнинг самарали ва ишончли экани ҳамда таълим самарадорлигини ошириш мумкинлигини исботлади.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ислом Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч.—Т.: Маънавият, 2008.-173 б
2. Авлиёқулов Н.Х. Касбий фанларни модулли ўқитиш технологияси . — Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. — 106 б.
3. Авлиёқулов Н.Х.. Замонавий ўқитиш технологиялари.- Бухоро. Матбаа, 2001.- 68 б.
- 4.Беспалько В.П. Педагогика и прогрессивные технологии обучения // ИТПИМИО. - М., 1995. —169 б.
- 5.Бордовский Г.А.,Извозчиков В.А.Новые технологии обучения: вопросы терминологии // Ж. Педагогика.-М.,1993. -№5.
6. Голиш. Таълимнинг фаол методлари: мазмуни, танлаш, амалга ошириш. Экспресс-қўлланма. Тошкент, 2001., 66 б.
7. Ишматов Қ. Ўқитишнинг интерфаол технологияси. Методик қўлланма. Наманган, 2007. 25 б.
- 8.Зиёмуҳаммадов Б., Абдуллаева Ш. Илғор педагогик - технологиялар. - Тошкент: Абу Али Ибн Сино, 2001. — 80 б.
9. Мавлонова Р., Тўраева О, Холиқбердиев К. Педагогика. -Тошкент: Ўқитувчи, 2001.-507 б.
10. Махмутов М.И.,Ибрагимов Г.И.Чошанов М.А. Педагогические технологии развития мышления учащихся. - Казань;1993.-88 с.
11. Истамова Ш.И. Таълимнинг фаол методлари. Методик қўлланма. Тошкент. Фан ва технологиялар. 2006й.
12. Истамова Ш.И. Ўқитишнинг фаол усуллари- таълим самарадорлигини ошириш омили // Ж. Касб-хунар таълими илмий-услубий журнали. -Тошкент 2007, № 5. —Б. 14-16.
- 13.Олимов Қ.Т. ва бошқалар. Таълим технологиялари. Монография. УМКХТТКМО ва КТИ. Тошкент:, 2007. -102 б.
- 14.Олимов Қ. ва бошқалар. Касб таълими услубияти. Олий таълим учун ўқув қўлланма. -Тошкент: Иқтисод-молия,2006.-160 б.

ТИКУВЧИ